БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 19 (4218)
28 МАЙ, 1980 й
ЧОРШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТАСС ахбороти

# ОРБИТАДА ХАЛҚАРО ЭКИПАЖ

«Союз-36» кемаси командири, СССР космонавт-учувчиси, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони Валерий Николаевич КУБАСОВ.

«Союз-36» космик кемасининг тадқиқотчи-космонавти, Венгрия Халқ Республикаси граждани Берталан ФАРКАШ.

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 27 май. (ТАСС). «Союз-36» кемасининг орбита бўйлаб учиши давом этмоқда, у Москва вақти билан соат 12 гача Ер атрофини ўн марта айланиб чиқди.

Космонавтлар Валерий Кубасов билан Берталан Фаркаш кема бўлмаларининг герметиклигини текшириш, борт системаларини контрол қилиш юзасидан одатдаги ишларни бажардилар, «Салют-6» — «Союз-35» илмий-тадқиқот комплекси билан олдидан иқлаштириб бориш мақсадида дастлабки маневрни ўтказдилар.

Кечаги кун Леонид Попов билан Валерий Рюмин учун медицина текширишлари куни бўлди, бугун экипаж бўлажак учрашувга ҳозирлик кўрмоқда.

Телеметрик ахборот маълумотларига ва орбитадан олинаётган докладларга кўра, «Союз-36» кемаси билан «Салют-6» — «Союз-35» орбитал илмий-тадқиқот комплексининг учиши нормал давом этмоқда.

Попов, Рюмин, Кубасов ва Фаркаш ўртоқлар ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар.

## Валерий Николаевич КУБАСОВ

Икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси Валерий Николаевич Кубасов 1935 йил 7 январда Владимир областидаги Вязники шаҳрида туғилган.

Москва авиация институтини тамомлагандан кейин конструкторлик бюросида ишлаб, космик аппаратлар учун системалар лойиҳалаш билан шуғулланади. Валерий Николаевич — техника фанлари кандидати.

У 1966 йилда космонавтлар сафига қабул қилинди.

В. Н. Кубасов — 1968 йилдан Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг аъзоси.

Валерий Николаевич ўзининг биринчи космик парвозини 1969 йил октябрида «Союз-6» кемасида амалга оширди. 1975 йил июлида «Союз» — «Аполлон» программасига мувофиқ «Союз-19» кемасининг борт инженери сифатида космик учишда қатнашди.

## Капитан Берталан ФАРКАШ

Венгрия Халқ Республикасининг граждани Берталан Фаркаш 1949 йил 2 августда Дьюлахаза қишлоғида туғилган. У 1967 йилда ўрта мактабни тугаллаб, Килиан номли авиация-техника билим юртига кирди. Билим юртини тамомлагандан кейин Венгрия Халқ Республикаси осмон ҳужумидан мудофаа қўшинларининг кирувчи авиациясида хизмат қилди. Биринчи класс ҳарбий учувчи малакасига эга.

Берталан Фаркаш — 1976 йилдан Венгрия Социалистик ишчи партиясининг аъзоси.

1978 йилнинг мартида Берталан Фаркаш Ю. А. Гагарин номли Космонавтлар тайёрлаш марказида киши бошқарадиган учишга тайёргарлик кўра бошлади. У «Интеркосмос» программасига мувофиқ «Союз» космик кемасида ва «Салют» орбитал станциясида тўла таълим курсини ўтди.

ШАҲАР ИНДУСТРИЯСИ РАПОРТИ

# БЕШ ОЙЛИК ПЛАН ТАЙЁР!

БУГУН

ТОШКЕНТ САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ КОЛЛЕКТИВЛАРИ САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА БУЮМЛАРНИНГ ЭНГ МУҲИМ ТУРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БЎЙИЧА 1980 ЙИЛНИНГ БЕШ ОЙЛИК ДАВЛАТ ПЛАНИНИ АДО ЭТДИЛАР.

Саноат ходимларининг мазкур меҳнат муваффақияти ишчи коллективларини н и ғ ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун, беш йилликнинг якунловчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун актив курашининг самарасидир.

Ленин, Октябрь, Ҳамза, Собир Раҳимов районларининг, В. П. Чкалов номли самолётсозлик, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик, «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмалари, электрон-техника, чинни, «Ўзбекхлопкомаш» бирлашмаси, электр-техника, қўприк темир-бетон конструкциялари заводлари, ёғ-мой комбинати ва бошқа корхоналарнинг меҳнат коллективлари юксак кўрсаткичларга эришдилар.

Корхоналарда «КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олайлик!», «Снфатли, самарали, қолоқларсиз ишлайлик» шиори остида меҳнат беллашуви кенг қулоч ёймоқда.

ЎЗБЕКИСТОНДА ОЗАРБАЙЖОН ССР АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ КУНЛАРИ ОЛДИДАН

## Дўстлик ва қардошлик байрами

27 май куни Тошкентда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов раислигида Ўзбекистонда Озарбайжон ССР адабиёти ва санъати кунларига тайёргарлик ва уни ўтказиш ташкилот комитетининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда Ўзбекистонда Озарбайжон ССР адабиёти ва санъати кунларига тайёргарликнинг тугалланиши билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Озарбайжон кунлари июнь ойининг биринчи ўн кунлигида бошланади. Озарбайжон етакчи бадиий коллективлари, таниқли ёзувчилари ва рассомлари, кинематографиячилари ва композиторлари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари республикамиз меҳнаткашлари ҳузурига меҳмон бўлиб келадилар.

Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. Умаров, Ўзбекистон ССР маданият министри Ғ. Н. Нажимов Озарбайжон кунларига тайёргарликнинг бориши ҳақида ахборот бердилар.

Мажлисда Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади. Ўзбекистонда Озарбайжон ССР адабиёти ва санъати кунлари, деб таъкидлади у, икки қардош халқнинг катта байрами, мамлакат маданий ҳаётидаги муҳим воқеа бўлади. Ўзбекистон озарбайжон халқининг намояндаларини, анъанавий мусобақадош дўстларни зўр хурсандчилик билан кутиб олади. Озарбайжон кунларининг ўтказилиши совет халқлари бузилмас дўстлиги ва қардошларча бирлигининг янги ёркин намойиши бўлиши, совет республикаларининг коммунистик қурилишда эришган ютуқларининг ажойиб кўриги бўлиши шубҳасиздир.

(ЎзТАГ).

# ХАЛҚҚА ХИЗМАТ ҚИЛАЙЛИК

Лотин Америкаси мамлакатларининг келгуси йили Гаванада бўладиган кинофестивали тўғрисидаги биринчи хабар Тошкентда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг VI Халқаро кинофестивалида айтилди. Куба маданият министрлиги бошқармасининг бошлиги Н. Рамирес матбуот конференциясида шу хабарни маълум қилгач, ҳозирга қадар бу мамлакатларнинг кинематографичилари халқаро анжуманлардагина учрашиб келдилар, деб таъкидлади.

Тошкентдаги кўрик қатнашчилари орасида — Америка қитъасидаги 12 мамлакат кинематографиячилари бор. Куба кинематографиячилари Тошкентда ўтказилувчи анжуманларнинг доимий қатнашчиларидир. Уларнинг фильмлари революцион воқеаларга, бугунги кун проблемаларига бағишланган. «Кўзлари отасиникига ўхшайди» деган ҳужжатли очерк кадрлари ҳар бир томошабин қалбигача етиб борди. Кубада яшаётган чилилик болалар тўғрисидаги бу ҳикоя кубалик киноҳужжатчилар Чили ватанпарварлари билан интернационал бирдамликларига қўшилган ҳиссадир.

Фестиваль программаси бўйича «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун курашда кинонинг роли» мавзуида очилган мунозара унинг қатнашчилари ва меҳмонлари диққат-эътиборини жалб қилди. Мунозарада дастлаб айтилган фикрлардавқ Л. И. Брежневнинг Тошкентдаги VI Халқаро кинофестивали қатнашчилари ва меҳмонларига йўллаган табригида айтилган ҳозирги шароитда кино санъати халқлар онглилигини мустаҳкамлашнинг ва дунёни янги жаҳон уруши хавфидан ҳимоя қилишнинг тобора муҳим воситаси бўлиб қолаётганлиги тўғрисидаги сўзлари жуда катта аҳамиятга молик бўлганлиги таъкидланди.

— Уч қитъа экран усталарининг Тошкентдаги анъанавий учрашувлари, мунозараларн кино санъатини янада юксалишка кўтаришимизга, унинг ташкилотчи, пропагандист, курашчи инсонда энг яхши сифатларнинг тарбячисидек буюк ғазифасини аниқлаб олишимизга имконият беради, — деди мунозарани очиб Ўзбекистон ССР халқ артисти, режиссёр Шуҳрат Аббосов.

Кино назарияси ва тарихи илмий-тадқиқот институтининг директори фан доктори В. И. Басиков тараққийпарвар кинематографиячилар коммерцил кинематографиясига қарши тура оладиган инсонпарварлик йўналишидаги лентала рни яратиш ҳаракатида эканликлари тўғрисида гапирди.

— Меҳнаткашлар олт кенг табақаларини тарбиялаш, уларга таълим бериш, тарих ҳақиқатини очиб бериш кинонинг энг муҳим вазифаларидан биридир, деди Куба Республикасидан келган режиссёр Мануэль Эррера.

Чилилик режиссёр Мигель Литтин гапириб Чили кинематографияси яшамоқда ва курашмоқда, у шу курашда қаддини тиклади, — деди.

Мигель Литтин Лотин Америкаси кинематографиячилари жаҳон кинесининг барча прогрессив арбобларн бирдамлиги тўғрисида гапириб фашизм ва империализмга қарши умумий курашда шу бирликни мустаҳкамлаш, озодлик, мустақиллик, тенглик учун курашга эҳтиросли даъват бўлиб хизмат этувчи лентала рни яратиш зарур, деб таъкидлади.

(ЎзТАГ).

## ИККИ ҚУВОНЧ

Тамилла АҲМЕДОВА,
Озарбайжон ССР, киноартист.

Менинг Тошкент шаҳрида ўтказаётган кунларим ҳаётимда иккита катта қувончли из қолдирмоқда. Бу излардан бири «Ўзбекфильм» киностудиясида суратга олинаётган янги бадиий фильмда иштирок этаётганлигимдир.

Фильмда Россия ва Афғонистоннинг ўтган асрда ўрнатган алоқалари, ўша даврда юз берган ҳар хил воқеалар ҳақида ҳикоя қилинади. Дилбар исмли қиз Бухоро шаҳридан Афғонистонга бориб қолади, у ўз ҳаётида жуда оғир ва машаққатли кунларни ўтказади. Қобул шаҳрида рус йигити бу Дилбарни севиб, уни Петербургга олиб қайтади.

Фильмни суратга олиш ишлари шу йили ниҳоясига етказилади. Биз Ленинградда, Тошкентда, Бухорода, Чимёнда ва бошқа жойларда суратга тушяпмиз.

Ҳаётимдаги иккинчи из Тошкент кинофестивалида маслакдош, касбдош дўстларим билан ўтказаётган учрашувларимдир. Мен Москвадаги Бутуниттифоқ кинематография институтини тугатганман. Мен билан бирга у ерда хорижий мамлакатлардан келган кўпгина ёшлар ҳам ўқишган. Улар Судан, Миср, Болгария, Сурия, Фаластин каби мамлакатларнинг вакилларидир. Улар шу кунларда Тошкент кинофестивалида актив қатнашишмоқда. Курсдош ўртоқларим билан бу ерда ўтказаётган учрашувларимиз гоятда қизиқ. Улар билан маҳоратимиз қанчалик ошганлиги, бир-биримизнинг яратган янги образларимиз ёки лентала римиз ҳақида суҳбатлашяпмиз.

Шунинг учун ҳам Тошкент шаҳри меҳмонларининг ҳаётимда унутилмас қувончли икки из қолдирмоқда. Сизнинг бундай гўзал шаҳрингизга ҳамиша мана шундай халқаро файз тилайман.

*Сўз—фестиваль қатнашчиларига*

## МУШТАРАК МАҚСАДЛАР

Лео ШТЕФАНОВИЧ,
Чехословакия, киносценарист.

Ўзбекистон пойтахтида ўтаётган уч қитъа кинематографчиларининг Халқаро фестивалида қатнашиш менга бир талай таассуротларни бермоқда. Бу катта анжуманда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларидан келган дўстлар билан учрашиш билан бирга уларнинг яратган фильмларини кўрмоқдаман, келгусидаги ижодий режалари ҳақида фикрларини эшитмоқдаман.

Фестивалда кўрсатилган Ўзбекистон бадиий ва ҳужжатли фильмлари менга гоятда манзур бўлди. Уларда кўтариб чиқилган проблемалар ўзининг актуаллиги билан ҳозирги даврнинг талабига жавоб беради. Бундан ташқари картиналарда ўзбек киночиларнинг эришган маҳорат чўқиларини яққол сезиш мумкин.

Фестиваль программасига киритилган Яман Араб Республикаси, Қувайт, Шри Ланка, Миср, фильмларини ҳам кўрдим. Уларда биз кинематографчиларнинг мақсадларимизга жуда ҳам монанд келадиган гоялар илгари сурилган.

Тошкент Халқаро кинофестивали ҳар томонлама яхши ташкил этилган. Биринчи навбатда унинг шиорини қўллаб-қувватлайман. Халқаро фестиваль ўзининг кенг аҳамияти билан айниқса ривожланаётган мамлакатларнинг киносанъатини йўлга қўйиш ва камолотга етказиш борасида энг қулай босқич бўла олади.

## Совет фильмлари шуҳрати

Бугунги кунда кино турли қитъаларда яшовчи, хилма-хил ирқ ва миллатга мансуб кишиларни бир-бирига яқинлаштирувчи, бир-бири билан ошно этувчи энг таъсирчан воситага айланиб қолди. Дунё миқёсида совет фильмларига қизиқиш кучайиб бораётганлиги бир томондан лентала римизнинг бадиий қуввати, таъсирчанлиги туфайли бўлса, иккинчи томондан мамлакатимиз эришаётган ютуқлар, халқларимизнинг бахтиёр ҳаётига бўлган катта қизиқишнинг ифодасидир.

Шу кунларда VI Халқаро Тошкент фестивали доирасида ташкил этилган кино бозори ана шу қизиқишни яна бир бор исбот этяпти. «Ўзбекфильм» ҳамда илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар студиясида, республика Киночилар уйида фестиваль меҳмонлари харид қилишга тавсия этилган ўнлаб бадиий ва ҳужжатли фильмларни томоша қиляптилар. Намойиш этилаётган фильмлар барча совет республикаларида яратилган бўлиб, асосан 1979— 1980 йилларнинг маҳсулидир. Талабларга биноан кино бозори қатнашчиларига олтмиш йилларда яратилган айрим фильмлар ҳам кўрсатиляпти.

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари телевиденнеси ходимлари учун ҳам махсус тематик программа тайёрланган. Бу программа «Совет циркн», «Сенинми, шошмай турл!», «Спорт», «СССР бугунги кунда», «СССР халқлари маданияти» сингари киноленталар мавжуд.

Тошкент Халқаро кинофестивалининг қатнашчилари фестиваль фильмлари билан қизиқиб танишмоқдалар.
СУРАТДА: артист Т. Тожиев (ЎзССР), режиссёрлар В. Латифи, А. Шодон (Афғонистон) киноплакатларни кўздан кечиришмоқда.
Л. Глауберзон фотоси.

ВАГОНЛАР БИР МИНУТ ҲАМ БЕКОР ТУРМАСИН

# ЖАРИМА ҲАМ ЁРДАМ БЕРМАЯПТИ

Бу йил Тошкент темир йўли станцияларида вагонлар оқими бирмунча кўпайди. Жумладан, январь — апрель ойларида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан бу кўрсаткич 10.8 минг вагонга кўпайди. Ҳар бир вагоннинг бекор туриш вақти ўртача 1,7 соатга қисқарди. Сабаби, шаҳримиздаги аксарият саноат корхоналарининг раҳбарлари темир йўл орқали юк қабул қилиш ва жўнатишни тартибга солдилар, юк ортиш ва тушириш ишларини механизациялаштирдилар, норматив муддатларга риоя қиладиган бўлдилар. Фрунзе районида эса ҳатто вагонларнинг бекор туриш муддатини ўртача 0.4 соатга қисқартириш имкониятини топдилар.

Лекин барча корхоналарнинг раҳбарлари темир йўл транспортида вагонлар оборотини тартибга солиш юзасидан КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1979 йил) Пленуми қарорларида илгари сурилган вазифаларни ado этишга тўла масъулият билан ёндошаяптилар деб бўлмайди. Жумладан, экскаватор заводи, «Узторгчермет» бирлашмасининг ишлаб чиқариш участкаси, «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси адресига келган юклар нормадагидан ортиқча туриб қолмоқда. Масалан, экскаватор заводи бир вагондаги юкни тушириб олиш учун бир сутка вақт сарфламоқда (норма бўйича эса 2,4 соат белгиланган). 6 темир-бетон буюмлари заводи нормадагидан саккиз баравар кўп. 1-йириқ панелли уйсозлик комбинати уч баравар кўп вақт сарфламоқда. Транспорт интизомини ана шундай бузганларга жарималар солинаяпти. Жумладан, вагонлардаги юкларни ўз вақтида тушириб олмаганликлари учун Куйбишев районининг корхоналари 67 минг сўм, Ҳамза районининг корхоналари 140 минг сўм жарима тўладилар. Мазкур районларда вужудга келган аҳволни яхшилаш учун таъсирчан чоралар кўрилмаяпти.

Вагонларнинг нормадагидан ортиқча туриш кўрсаткичи шаҳар бўйича ҳам ҳамон юқори. Шу йилнинг ўтган тўрт ойи ичида бу кўрсаткич 203 минг вагон-соатдан ошиб кетди. Шу туфайли темир йўл 5,8 мингдан зиёд вагондан самарали фойдаланмади. Ана шунча вагонда қанчадан-қанча халқ хўжалиги юкларини жўнатиш мумкин эди.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

✦ КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов раислигида Ўзбекистонда Озарбайжон ССР адабиёти ва санъати кунларига тайёргарлик ва уни ўтказиш ташкилот комитетининг мажлиси бўлиб ўтди.

✦ Совет Иттифоқида КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан меҳмон бўлиб турган Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг аъзоси, ВСИП Бач-Кишкун область комитетининг биринчи секретари Иштван Хорват Ўзбекистонга келди.

Ш. Р. Рашидов партиянинг ленинча миллий сиёсати амалга оширилиши, совет халқларининг қардошларча дўстлиги ва ҳамжиҳатлиги туфайли Ўзбекистонда рўй берган ўзгаришлари меҳмонларга гапириб берди.

## АКТИВ ЙИҒИЛИШИ

Киров район партия комитетида район партия активининг йиғилиши бўлиб ўтди. КПСС XXV съезди талаблари асосида ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш бўйича район партия ташкилотининг ишларини янада кучайтириш тадбирлари муҳокама қилинди. Киров район партия комитетининг биринчи секретари М. С. Камолова доклад қилди. 21-мактаб директори Л. Р. Алиева, «Ўзбексельмаш» бирлашмаси партия комитетининг секретари А. Ҳ. Қосимов, тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг касаба союз комитетининг раиси В. А. Тельнова ва музокарада қатнашган бошқа кишилар бу ишнинг резервлари, тўпланган тажрибалар ва мавжуд камчиликларга барҳам бериш йўллари ҳақида гапирдилар.

Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

## ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИДА

Кеча Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари Рамз Бобожон раислигида Ёзувчилар союзи секретариатининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда бир қатор муҳим масалалар тингланди.

Кун тартибидаги биринчи масала — Ўзбекистонда Озарбайжон ССР адабиёти ва санъати кунларини ўтказиш тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Шунингдек, СССР халқлари дўстлиги музейида иш шароитини яхшилаш билан боғлиқ тадбирлар тўғрисидаги масала ҳам тингланди.

Мажлисда Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениеси ва «Литературная газета» редколлегияси ҳамкорликда ўтказган «Литературная газета»нинг «думалоқ стол»и атрофидаги учрашув ҳамда Ҳамид Олимжон туғилган кунининг 70 йиллигига бағишлаб Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениеси ташкил этган юбилей тадбирларининг якунлари муҳокама этилди.

Мажлисда ёзувчи Саид Аҳмад туғилган кунининг 60 йиллигига тайёргарликнинг боришига доир ва бошқа масалалар муҳокама этилди.

ШАҲАР СПАРТАКИАДАСИ XVII

## ҒОЛИБ АНИҚЛАНДИ

**XVII шаҳар спартакиадаси программасига киритилган баскетбол командаларининг турнири «Меҳнат» кўнгилли спорт жамиятининг спорт базаларида ўтказилди.**

Тошкент Давлат университетининг «Университет» баскетбол командаси мамлакат биринчилигининг биринчи лигасида шарафини муваффақиятли ҳимоя қилиб келмоқда. Тошкент университети командасининг маҳоратли резерви бор дейиш мумкин. Шаҳар спартакиадасида университет командаси Собир Раҳимов районини номидан баҳс юритди. Шунинг учун ҳам бу район спортчиларига мазкур беллашувларда тенг келадиган коллектив топилмади. Район спортчилари турнирни мағлубиятсиз якунлаб, биринчи ўринни қўлга киритдилар.

Аёллар командалари баҳсларни «Старт» стадионида ўтказишди. Қизғин ва мурасасиз беллашувлардан кейин совриндор командалар аниқланди: 1. Ленин районн. 2. Киров районн. 3. Октябрь районн.

## ОММАЛАШИБ БОРМОҚДА

Қўл тўпи шаҳар спартакиадаси тобора оммалашиб бормоқда. Бу сафарги беллашувларда ҳам жуда кўп спортчилар иштирок этишди. Бу ерда ғолиблик учун бўлган баҳсларда энг кўп команда қатнашганлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Эркаклар командалари ўртасида бўлган баҳсларда Ленин районининг гандболчилари ғолиб чиқишди. Иккинчи ўринга Собир Раҳимов районининг, учинчи ўринга эса Ҳамза районининг спортчилари кўтарилдилар.

Аёллар командалари ўртасида бўлган учрашувларда эса фахрий иноҳсупага районларнинг вакилари қуйидаги тартибда кўтарилишди: Фрунзе районн, Ленин районн ва Ҳамза районн.

Шаҳримиздаги «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи зиммага олинган йиллик план-топшириқлар и н и муддатидан илгари адо этиш учун астойдил меҳнат қилмоқда. Сиз, чапдаги суратда мусобақа пешқадамларидан бири тикувчи Тоҳира Султоновани кўриб турибсиз. У мунтазам равишда кунлик план-топшириқларини 150— 180 процентга етказиб адо этади. Ўнгдаги суратда эса корхонанинг мураббий ишчиси Татьяна Сергеевна Лега тасвирланган. У шу кунларда келгуси йил ҳисобига меҳнат қилаётир.

Р. Загратдинов фотолари.

**БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДАН ЯНГИЛИКЛАР**

## ЁШЛАРГА ЭЪТИБОР

Октябрь революцияси номидаги тепловоз ремонти заводи партия комитети корхона ёшларига катта ғамхўрлик кўрсатяпти. Яқинда цех партия ташкилотларининг комсомол ташкилотларига қандай ғамхўрлик кўрсатаётганлиги, партиявий раҳбарликни қандай амалга ошираётгани тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Унда якорь цехи партия ташкилотининг секретари Анатолий Васильевич Бажанов ва тепловоз цехи партия ташкилотининг секретари Николай Николаевич Вождаев ҳисобот беришди. Шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида бу цехларнинг комсомол ташкилотлари ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш юзасидан кўпгина ишларни бажардилар. Корхона партия комитетида уларга партиявий раҳбарликнинг услуб ва методларини янада такомиллаштириш тадбирлари белгиланди.

**КОНВЕЙЕРДАН ЯНГИ ТУШДИ**

## ПОТОКДА— САФАР АНЖОМИ

Тошкент спорт буюмлари фабрикасида пионерлар ва болалар рюкзагининг яна икки хил моделини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бу сафар анжоми енгиллиги ва қулайлиги билан саёҳат ихлосмандларига манзур бўлади. Шуниси қувончлики, мутахассислар янги буюмларнинг сифатини юқори баҳолашди. Эндиликда ана шу рюкзаклар давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқариляпти.

Корхона ишчилари шу йилнинг ўзида 30 мингта янги моделдаги рюкзак ишлаб чиқариб, савдо ташкилотларига етказиб беришади.

**ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОМАНДИРЛАРИ МИНБАРИ**

*КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ—АМАЛДА*

# ПАХТАКОРНИ ЎЙЛАБ

Ҳозирги замон пахтачилигида ҳосилни терим агрегатларисиз йиғиштириб олишни тасаввур қилиш қийин. Республикамиз йилдан-йилга пахтадан мўл ҳосил етиштирмоқда. Шу билан бирга республикамиз пахтачилигида техника даладаги асосий куч бўлиб қоляпти. Улар ёрдамида экиш-тикишдан бошлаб, ҳосилни йиғиштириб олингунгача бўлган ишлар амалга оширилмоқда. Машина билан териб олинаётган ҳосилнинг салмоғи йилдан-йилга ортиб боряпти. Масалан, 1950 йилда машиналар ёрдамида 66 минг тонна пахта териб олинган бўлса, 1977 йилда 3 миллион 355 минг тонна ва ниҳоят, сўнгги 1979 йилда эса ҳосилнинг 70 проценти «зангори кема»лар бункерларидан тўкилди. Бу нимани кўрсатади?

Биз келтирган мисол шундан далолат бериб турибдики, йилдан-йилга корхонамиз коллективи пахта териш машиналари ишлаб чиқаришни кўпайтирмоқда, уларнинг сифатини яхшиламоқда. Айниқса ўнинчи беш йилликнинг ўтган тўрт йили мобайнида бу борада жуда катта ишлар қилинди. Кейинги йилларда заводимиз бош конвейеридан янги маркадаги машиналар тушириб олинди.

Ривожланаё т г а н пахтачилик биз машинасозлар олдига катта вазифаларни қўймоқда. Серунум ишлайдиган, такомиллаштирилган, замонавий пахта териш агрегатларини тайёрлаб бериш шу кунлардаги асосий вазифамиздир. Белгиланган вазифаларни бажарилишини таъминлаш ўз навбатида ишлаб чиқаришни такомиллаштиришни, уни янги техника ва технология билан қайта қуроллантиришни, меҳнатни оқилона ташкил этишни, илғор иш усулларини кенг жорий этишни, мусобақа таъсирчанлигини тобора оширишни ва ниҳоят, янги қувватларни ўз вақтида ишга туширишни талаб этади.

Беш йилликнинг ўтган йиллари мобайнида бу борада анчагина ишлар қилинди ва бу йўналишда белгилаб олинган ишлар жадал суръатлар билан давом эттирилмоқда. Маълумки, ҳар қандай янги қувватнинг ишга туширилиши корхона фаолиятида катта роль ўйнайди. Жумладан, сўнгги йиллар мобайнида талайгина реконструкция ишлари амалга оширилди. Барабан шпинделлари корпусида янги технология асосида шпинделлар тайёрланадиган цех қурилди. Шестернялар тайёрлашда пайванд ишларини такомиллаштирилган технология бўйича бажарадиган янги ишлаб чиқариш қувватлари, шунингдек заводнинг Сирдарёдаги филиалида бош корпус ва бошқа кўплаб ёрдамчи ҳамда инженерлик иншоатлари қуриб, фойдаланишга топширилди. Бу янги қувватларнинг ишга туширилиши ўз самарасини кўрсатди. Корхонамиз беш йилликнинг тўрт йилига мўлжалланган план топшириқларини барча техника-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли адо этди. Тўрт йил мобайнида мамлакат пахтакорларига 30 мингдан ортиқ турли хил маркадаги серунум ишлайдиган, ҳар томонлама такомиллаштирилган терим агрегатлари етказиб берилди. Шунингдек, бир неча ўн миллион сўмлик эҳтиёт қисмлар ва кўплаб кенг истеъмол буюмлари ҳам тайёрлаб берилди. Биргина ўтган йилнинг ўзида машинасозларимиз 9100 та терим агрегати тайёрладилар. Бу машиналарнинг асосий қисмини ингичка толали пахтани теришга мўлжалланган «ХВН—1,2А» маркали, кенг қаторлаб экилган пахтани терувчи «ХВБ—1,8» маркали ва шунингдек, бир йўла тўкилган пахтани териб олишга мўлжалланган «ХНП—1,8» маркали янги «зангори кема»лар ташкил этади.

КПСС XXV съезди қарорларини муваффақиятли амалга ошириб келаётган машинасозларимиз ўнинчи беш йилликнинг сўнгги ҳал қилувчи йилида реконструкция ишларини поёнига етказадилар. Ҳозирда бу ишларнинг сўнгги босқичи давом этмоқда. Завод партия, касаба союз ташкилотлари муваффақиятлар и м и з муҳим омили бўлган социалистик мусобақани кенг авж олдиришга, унинг таъсирчанлигини оширишга катта аҳамият бермоқда. Бунинг натижасида корхонамиз мана 34 кварталдирки, Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида голиб чиқиб, СССР трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги ҳамда тармоқ касаба союзлари Марказий Комитетининг кўчма Қизил Байроғини ўз қўлида сақлаб келмоқда. Корхонамизда «ўнлар ташаббуси» асосида ишлаётган ишчилар кўпчилигини ташкил этади. Ҳозиргача ўнинчи беш йиллик топшириғини муддатидан илгари адо этганлар сони 30 тадан ошиб кетди. Кўплаб ишчиларимиз доҳий В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш ташаббусига қўшилиб, яхши меҳнат муваффақиятлар н г а эришдилар. Корхонамизнинг донг таратган токарь - автоматчи с и Юрий Степаненко, ёш, моҳир токарь Ҳусан Ҳошимов. 10-цех пайвандчилар бригадаси бошлиғи, КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Маҳмуд Мўйдинов ва бошқалар меҳнатда барчага намуна бўлмоқдалар.

Беш йилликнинг ўтган тўрт йили мобайнида коллективимиз юксалиш йўлидан борди. Юбилей йилида заводимизнинг 50 йиллиги нишонланди. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда, замонавий пахтачилик машиналарини кўплаб етказиб беришдаги муваффақиятларим и з учун унга Ватаннинг юксак мукофоти — «Октябрь революцияси» ордени топширилди. Бу мукофот коллективимизни юксак марралар сари чорламоқда.

Ишда ютуқларимиз билан бир қаторда камчиликларимиз ҳам мавжуд. Коллективимиз тежамкорлик ҳаракатини кучайтиришга, янги қувватларни ўз вақтида ишга туширишга, заводнинг иқтисодий ва социал ривожлантириш йўлидаги тадбирларни тўла амалга оширишга, барча ички резервларни қидириб топиб, ишга солишга катта эътибор бермоғи лозим. Бундан ташқари корхонани малакали кадрлар билан таъминлаш, кадрлар қўнимсизлигини кескин қисқартириш, меҳнат интизомини яхшилаш борасида талайгина ишларни амалга оширишимиз керак.

Беш йилликнинг сўнгги йилида зарбдор суръат билан меҳнат қилаётган машинасозларимиз катта режалар тузишган. Улар бу йил мамлакат пахтакорларига 11 минта «зангори кема» етказиб берадилар. 1985 йилга келиб, бу кўрсаткич 15 мингтага етади. Бу ўз-ўзидан амалга ошадиган жўн вазифа эмас. Шунинг учун ҳам айни кунларда машинасозларимиз катта ғайрат-шижоат билан меҳнат қиляптилар, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилашнинг янгидан-янги резервларини тинмай изламоқдалар.

**О. НОВИЦКИЙ,**
**К. Е. Ворошилов номли Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи директори.**

# ЖАҲОН ОЙНАСИ

**ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР**

## МУСТАҲКАМ АЛОҚАДА

СОФИЯ. Автомобиль транспортини оператив бошқаришнинг автоматлаштирилган системаси Болгариядаги «Медет» кон-саралаш комбинати ишчиларининг бирдан-бир ёрдамчиси бўлиб қолди.

«Астра—71» деб ном берилган бу система Болгария фанлар академиясининг техника кибернетикаси институтида яратилган. Салкам 12 йил илгари шу илмий марказ ташкил қилинган эди. Аммо унинг фаолияти натижаларини республика халқ хўжалигининг кўпгина тармоқларида кўриш мумкин. Автоматлаштириш проблемасини ҳал этишда шу беш йилликда институт муҳим роль ўйнайди.

Институт коллективи Совет Иттифоқидаги ҳамкасблари билан бирга мустаҳкам алоқа боғлаб ишламоқда. Украина кибернетиклари билан биргаликда цехлар ва илмий лабораторияларда ишларни бошқаришнинг автоматлаштирилган системаларини яратиш мўлжалланмоқда. Бошқарувнинг автомат системаси ёрдамида биринчи марта илмий экспериментларни автоматлаштириш планлаштирилмоқда.

Болгария кибернетика институтининг техника ва медицина диагностикаси методларини ишлаб чиққанлиги унинг катта муваффақияти ҳисобланади. Латвиялик олимлар билан ҳамкорликда «интергест» электрон-ҳисоблаш системалари фундаментал диагностик автомат яратилди. Шу автомат туфайли бундай машиналар устидан контроллик қилиш вақти 30 минутдан 10—15 секундга камайтирилди.

## ОПЕРАЦИЯ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

ПРАГА. Ноёб операция ниҳоясига етганлиги — Влтава дарёси устида янги кўприкнинг ярим йўли қурилганлиги тўғрисида Прага бинокорлари рапорт бердилар. 2100 тонна вазндаги пўлат конструкция кўприкнинг илгари қурилган қисми билан туташтирилди. Бу операция 20 кундан сал кўпроқ вақт ичида пухталик билан бажарилди.

Янги кўприк— пойтахтдаги янги шимол-жануб автомобиль йўлининг таркибий қисмидир. Бу йўл Праганинг транспорт системасини реконструкциялаш комплекс плани асосида қурилмоқда. Қадимий шаҳарда бундай иншоотни қуриш қалтис иш бўлур эди, лекин лойиҳачилар қадим ёдгорликларини ҳам, хиёбонларни ҳам сақлаб қолиб, йўлни пойтахт архитектураси билан уйғунлаштира олдилар. Бу йўлнинг фойдаланишга топширилиши Праганинг тор кўчаларини машиналар ва автобуслар қатновидан бўшатади. Прагадаги бутун транспорт оқимининг қарийб ярми шу йўлдан ўтади.

## ҲАЛ ҚИЛУВЧИ БОСҚИЧДА

БУХАРЕСТ. Руминияда Галац металлургия комбинатида қурилаётган 3500 кубметр ҳажмдаги энг катта домна печини монтаж қилиш ишлари ҳал қилувчи босқичига кирди. Домна печи планга мувофиқ шу йилнинг иккинчи ярмида биринчи қуйилмани беради.

Дунайдаги металлургия комбинати ишлаб чиқариш қувватини тобора оширмоқда. СССРнинг мадади ва техникавий кўмаги Руминия металлургиясини муттасил ривожлантиришга кўп жиҳатдан ёрдам берди. Совет мутахассислари 2700 кубметр ҳажмдаги домналарни, 150 тонна қувватга эга бўлган конверторларни, ғоят серунум кокс батареяларини, қудратли слябингни, «1700» прокат станини монтаж қилишда қатнашдилар.

## РЕКОНСТРУКЦИЯ ТУГАЯПТИ

ПРАГА. Копршивницедаги «Татра» автомобиль заводини реконструкция қилиш поёнига етай деб қолди. Цехларда янги машина-ускуналар монтаж қилинмоқда ва созланмоқда. Ўзаро иқтисодий ёрдам кенгаши доирасида автомобиль ишлаб чиқаришни ихтисослаш ва кооперативлаш тўғрисидаги кўп томонлама шартномага мувофиқ «Татра» заводи ўн икки тонна ва бундан ҳам кўп юк кўтарадиган автомобилларни ишлаб чиқаришни ўзлаштиради. Бу машиналар социалистик мамлакатларга етказиб бериладиган бўлади.

Турли иқлим шароитларида олиб борилган синовлардан муваффақиятли ўтган янги «Татра— 815» маркали машиналар келгуси йилнинг ўзидаёқ завод конвейеридан чиқади. Корхона реконструкция қилинаётганлигига қарамай, у Ўзаро иқтисодий ёрдам кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг кўпгина қишлоқ хўжалик қурилишларида манзур бўлган шу юк машиналарини ишлаб чиқаришни давом эттирмоқда. Копршивнице автомобильсозлари йил охиригача СССРнинг ўзигагина 3270 та машина етказиб беради.

## ПИКАССО ОРОЛИГА

НЬЮ-ЙОРК. Бу ердаги ҳозирги замон санъати музейида буюк испан рассоми Пабло Пикассо асарларининг виставкаси очилди. Пикассонинг 78 йиллик ижодий даврини ўз ичига олган виставкада турли мамлакатларнинг музейлари ва картина галереяларидан, шунингдек кўпдан-кўп хусусий коллекциялардан келтирилган 1.000 дан кўп картина, ҳайкал, гравюра ва мозаика паннолари кўрсатиляпти. Пикассо мўйқаламига мансуб 30 та расм биринчи марта томошага қўйилди.

## ОДИМЛОВЧИ МАШИНА

ВАШИНГТОН. Пуэрто-риколик инженер Х. Сото «оёқлари» бўлган оригинал бир машинани ихтиро қилди. Машина паст-баланд, ёки ўнқир-чўнқир, сув босган жойлардан анчагина тез ўта олади. Бу ғалати механизмнинг ихтирочиси ундан тропик ўрмонлар зонасидаги тик ён бағирликларда бажариладиган турли деҳқончилик ишларида фойдаланиш самарали бўлади, деб ҳисоблайди.

Машина ҳайдовчи ўтирадиган ўриндиқ қўйилган платформадан, олти «оёқ» ҳаракатини уйғунлаштириб турувчи компьютер, руль ғилдираги ва бошқариш ричагидан иборат. Агрегат 200 от кучи қувватли тўрт цилиндрли мотор билан ва гидравлик система туфайли «юради».

## ЯҚИН ВА ЎРТА ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИДА

ҚОБУЛ. Бу ерда Афғонистон Демократик Республикаси ўқитувчиларининг I съезди очилди. Съезд ишида мамлакат барча вилоятларидан келган 400 дан ортиқ вакил, чет эл делегациялари, шу жумладан Совет Иттифоқи делегацияси қатнашмоқда.

Съезд қатнашчилари мамлакатда маориф системасини ривожлантириш масалаларини муҳокама қиладилар, шу соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш йўлларини белгилайдилар.

* * *

ҚОҲИРА. Англиянинг «Мидл ист» журнали бундай деб ёзади: Исроилда истиқомат қилувчи ярим миллиондан кўп фаластинлик араблар «иккинчи сорт» кишилар сифатида ҳамиша ўзларини ўз юртларида ёт киши, деб ҳисобламоқдалар. Айниқса маориф соҳасида уларни камситиш очиқдан-очиқ кўриниб турибди. Гарчи фаластинликлар Исроил аҳолисининг 14 процентини ташкил қилсада мамлакатдаги олий ўқув юртлари студентлари орасида фаластинликлар борйўғи 3 процентни, аспирантлар орасида эса бундан ҳам кам—фақат 1 процентни ташкил қилади. Билим олишда тенг имкониятлардан маҳрум қилинган араблар ишга олиш вақтида ҳам назар-писанд қилинмайди. Ишлаб турган арабларнинг қарийб 90 проценти кам ҳақ тўланадиган жисмоний меҳнат билан шуғулланаётганлигини айтиб ўтиш кифоя. Исроилнинг прогрессив жамоатчилиги арабларга нисбатан хўрловчи муносабат сионизмнинг ўз ирқчилик моҳиятидан келиб чиққанлигини уқтириб ўтмоқда.

* * *

БАҒДОД. Ироқ олий таълим ва илмий тадқиқотлар министрлиги Бағдодда адабий таржима соҳасида мутахассислар тайёрлайдиган янги институт очишга қарор қилди. Институтнинг асосий вазифаси жаҳон маданияти муваффақиятларини Ироқда оммалаштиришга ҳамда чет эл китобхонларини араб адабиётининг классик ва замонавий асарлари билан таништиришга кўмаклашишдан иборат.

* * *

ТЕҲРОН. Оятилло Ҳумайни Исроилнинг босқинчилик йўлини ва Тель-Авивнинг Ливанга ҳамда ўзи босиб олган территориядаги араб аҳолисига қарши жиноятларини кескин қоралади.

У Ливан дин арбоблари делегацияси билан учрашувда сўзлаган нутқида Қуддусни босиб олишга қарор қилган Исроил ўз босқинчилик йўлини давом эттириш ниятида эканлигини айтди. Оятилло Ҳумайни Исроил Яқин Шарқда АҚШ сиёсатини амалга оширувчи эканлигини таъкидлади. Тель-Авив, деди у, араб халқларига қарши агрессив ҳаракатида Қўшма Штатлардан тўла мадад олиб турибди. Қўшма Штатлар шу регионда ўз ҳукмронлигини ўрнатишга интилмоқда.

**ҚАРДОШЛИК ҚОНУНИГА БИНОАН**

# «САХРАНОВКА»— ДЎСТЛИК ҚУРИЛИШИ

«Союз» газ қувурининг «Сахрановка» компрессор станцияси энг йирик интернационал қурилишлардан бири ҳисобланади. Бу ерда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг аъзоси бўлган етти мамлакатнинг вакиллари меҳнат қилишган. 1978 йилнинг охирида станция ишга туширилган эди. Шундан буён «Союз» газ қувури орқали ҳар йили Болгария, Чехословакия, ГДРга 50 миллион куб метр газ етказиб берилмоқда. Бу артерияни ҳақиқий маънода социализм мамлакатларининг ажралмас дўстлиги рамзи деб аташ мумкин.

Биз компрессор станциясининг бошлиғи Василий Федорович Мельников билан учрашдик. У бизга қуйидагиларни ҳикоя қилиб берди: «Мен болгариялик қурувчиларнинг ишларини турли участкаларда кузатиш бахтига муяссар бўлганман. Ҳамиша болгариялик дўстларимиз ҳақида яхши фикрларга эга бўламан. Мана ҳозир ҳам «Сахрановка» станциясида коммунист Динко Николов бошчилигидаги комплекс бригада меҳнат қилмоқда. У Болгариядаги Хасково шаҳрида туғилган. Бригадада меҳнат жуда яхши ташкил этилган. Шу боисдан ҳам улар бажарган ишнинг сифатига ҳеч қачон эътироз билдирилаётгани йўқ».

— Бригадамиз д а 28 киши меҳнат қилади,— дея ҳикоя қилади Динко Николов. Ҳар куни, ҳар соат биз Совет дўстларимизнинг ва қурилиш раҳбарларининг ёрдами ва ғамхўрлигини ҳис қилиб турибмиз.

Мен ўз она шаҳрим Хасково қуёшли Ўзбекистоннинг пойтахти — Тошкент билан биродарлашганлиги н и яхши биламан. Мен бу гўзал шаҳар, унинг ажойиб кишилари, дид билан яратилган архитектураси ҳақида кўп эшитганман.

Совет Иттифоқида меҳнат қилган йилларимда мен бу мамлакатда олиб борилаётган қурилиш ишларининг кўлами билан бир неча марта фахрланганман. Шу боисдан ҳам рус одатига кўра кўрсатилган меҳрибонлик, ҳозиржавоблик, дўстлик ва амалий ёрдам учун совет халқига таъзим қилгим келади.

**Христо ХРИСТОВ,**
**Болгариянинг «Народна младеж» газетаси ходими.**

**СУРАТДА:** комплекс бригада бошлиғи Динко Николов.

## ТОШКЕНТ — РЕСПУБЛИКАГА ҲОСИЛ ЖЎНАТИЛМОҚДА

Тошкент темир йўл станциясидан Сибирь ва Уралнинг саноат марказларига, Байкал-Амур магистрали қурувчилари номига янги карам ва редиска ҳосили ортилган дастлабки рефрижераторлар жўнаб кетди. Ўзбекистон қишлоқ матлубот кооперацияси сабзавот ҳосилини узоқ саноат районларига жўнатиш мавсумини бошлади.

«Ўзбекбирл а ш у в» правлениеси республика шаҳарларига ва саноат марказларига, шунингдек мамлакатнинг кўпгина районларига сабзавот ва мева етказиб бериш тўғрисида икки мингдан кўпроқ шартнома тузди.

Кооператорлар қишлоқ районларида 500 дан зиёд қабул пункти ташкил этдилар ва уларни ҳосилни қабул қилиш, уни савдо тармоқларига тез етказиб бериш учун зарур бўлган ҳамма нарсалар билан таъминладилар.

(ЎзТАГ).

**ҚУРИЛИШ МАЙДОНИДА**

# ИЛҒОР МЕТОД АСОСИДА

Пойтахтимиз қурилиш ташкилотларида Н. Злобин методи бўйича бригада пудрати асосида ишловчи бригадаларнинг сони йил сайин кўпайиб бормоқда. Айни пайтда пудратчи бригадалар билан иш юритишнинг ташкилий жиҳатларини такомиллаштириш, иш миқёсларини мувофиқлаштиришга ҳам катта аҳамият беріляпти. Бунда албатта пудрат усулининг афзалликларини амалда намоён этаётган меҳнат коллективларининг ҳам роли каттадир. Тошкент қурилиш Бош бошқармасига қарашли 159-қурилиш трестининг 8-қурилиш бошқармасида меҳнат қилаётган Владимир Надсонов бошлиқ комплекс бригада ҳам бу борада катта ютуқларни қўлга киритяпти.

Шаҳримиз қурилиш объектларида самарали ишлаб коммунистик меҳнат бригадаси деган шарафли номни қўлга киритган бунёдкорлар коллективи бошқармада биринчилардан бўлиб бригада пудрати асосида ишлашга ўтди.

Ҳозир бригада коллективи шаҳримизнинг Луначарский шоссесида қад кўтараётган тўрт қаватли кардиология шифохонаси қурилишида иш олиб бормоқда. Бу 200 ўринли шифохонани қурувчилар муддатидан илгари фойдаланишга топшириш учун ҳаракат қилишяпти. Объект Злобин методи асосида барпо этилаётганлигини ҳисобга олиб таъминотчилар ва шартнома тузган коллективлар ўз зиммаларидаги масъулиятни чуқур ҳис этишмоқда. Бу эса бригада пудрати методи афзалликларини намоён этишда ҳал қилувчи мезондир. Шунинг учун ҳам бригада муваффақиятли иш олиб бориб бинодаги асосий қурилиш ишларини жадаллатишга муваффақ бўлмоқда. Натижада пардозловчиларга ҳам муддатидан илгари иш фронтлари тайёрлаб берилди. 1-пардозлаш трестига қарашли 11-бошқарманинг пардозловчилари шифохона объектида коммуникациялар ўрнатиш ва бошқа умумий қурилиш ишларини олиб боришяпти. В. Надсонов бригадасининг В. Объедков, Р. Содиқова, А. Воротнев ва бошқа кўплаб илғор бунёдкорлари ўз ҳамкасбларига намуна кўрсатиб ишлашяпти.

—Шуни таъкидлаш керакки, коллективнинг ҳозир 1981 йилнинг биринчи квартали ҳисобига иш бажараётгани ҳам янги метод афзалликларини кўрсатиб турибди,— дейди 8-қурилиш бошқармаси меҳнат ва иш ҳақи бўлими бошлиғи В. Конопацкая. — Негаки бригада пудрати методи кунлик топшириқларни 25—30 процент ошириб бажариш, қурилиш материалларини 8—10 процент тежаб қолиш имконини беради.

Шуни айтиш лозимки, шаҳримиздаги барча қурилиш ташкилотларида ҳам янги усулнинг имкониятларидан тўла фойдаланиляпти, деб бўлмайди. Ҳозир пойтахтимизнинг турли жойларидаги ўнлаб қурилиш объектларига назар солганда кўпчилик объектларда қурилиш давом этаётганининг гувоҳи бўлиш, баъзи жойларда эса пардозчиларни кутиб бўш ётган объектларни ёки бўлмаса биринчи қавати қурилиб, қолган бошқа ишлар ойлаб давом эттирилмаслигини кўриш мумкин. Бунга албатта фойдаланиш муддати келиб қолган объектларга бошқа объектдан қурувчиларни ўтказиш ва шундай қилиб иш маромида узилишлар бўлаётгани асосий сабабдир. Агар қурилиш объектларида ишни узлуксиз ташкил этишга биринчи даражали масала, деб қаралса ва бунда прогрессив иш методларидан унумли фойдаланилса, катта самарага эришиш мумкин.

**М. ФЕЛЬДМАН,**
**жамоатчи мухбир.**

**БЕШ ЙИЛЛИК ВАХТАСИДА**

# ВАҚТДАН ЎЗИБ

«Ўзбекистон» сунъий ва табиий чарм ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 2-кўн заводининг пардозлаш цехи коллективи сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор беряпти. Чунки цехда ўз касбининг усталари — тери ошловчилар Сафо Алимов, Ҳуснилла Гатьятов, пардозловчи Владимир Абакумов, силлиқловчи Карима Исмоилова, тери қуритувчи Тоҳир Алимовлар кўп йиллардан буён самарали меҳнат қилиб келишади. Улар шахсий тамға билан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳуқуқини қўлга киритганлар.

Меҳнат ветеранлари ёшларнинг жонкуяр мураббийлари ҳисобланишади. Смена топшириқларини 1,5 баравар адо этиб келаётган бу ишчилар ўтган шонли саналарни муносиб кутиб олдилар ва ҳозирда ўн биринчи беш йиллик ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришяпти. Эндиликда улар Улуғ Октябрнинг 62 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Куни кеча цех машъаллари ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини қайта кўриб чиқдилар ва яна қўшимча оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилдилар. Цехнинг бу пешқадамлари Улуғ Октябрнинг 62 йиллигига қадар олти йиллик топшириқни бажаришга бел боғлашди.

**И. ЗОИРОВ.**

Сиз суратда кўриб турган Ҳасан Юсупов шаҳримиздаги 2-пойафзал фабрикасининг пешқадам ишчиларидан биридир. Унинг ҳали корхонага ишга келганига кўп бўлмасада, бу ёш ишчи ўзининг тиришқоқлиги ва меҳнатсеварлиги билан коллектив эътиборини қозонди. Ҳ. Юсупов социалистик мусобақа ғолибидир.

И. Шоинғомов фотоси.

# ТИНЧЛИК, СОЦИАЛ ТАРАҚҚИЁТ ВА ХАЛҚЛАР ОЗОДЛИГИ УЧУН

*• Сўз—фестиваль қатнашчиларига*

## ДАСТЛАБКИ ҚАДАМ

**Савринисо САБЗАЛИЕВА, Тожикистон ССР, киноартист.**

Мен киносанъатига кириб келаётган ёш ижодкорлардан бириман. «Тожикфильм» студиясида яратилган «Ўлим дарасидаги учрашув» бадиий фильми Тошкент фестивалига тақдим этилганлиги ҳақидаги хабарни эшитганимда жуда ҳам қувондим. Менинг дастлабки баркамол яратган образим ана шу фестивалда намойиш этилиши мен учун катта мукофотнинг ўзидир. Ана шу рамзий мукофотнинг иштиёқида Тошкентга жуда катта иштиёқ билан етиб келдим.

Фильм тожик кинорежиссёри Тоҳир Мухторович Собиров раҳбарлигида суратга олинган. Унда Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин Ўрта Осиёда, шу жумладан Тожикистонда Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш, ички душманларга қарши қизғин кураш олиб бориш воқеалари тўради. Энг яхши орзу умидлар билан турмуш қурган икки ёш — йигит ва қиз икки тақдир йўлидан боради. Оила бошлиғи босмачилар тўдасига қўшилиб кетади. Қиз эса қизил армиячилар сафига қўшилишиб актив ишлайди ва революцион кенгашнинг раиси бўлади. Шундан кейин мақсадлари бошқа-бошқа бўлган ана шу икки инсон ўлим дарасида учрашиб қолишади. Мен яратган образ Тожикистонда тўнғич революцион кенгаш раиси бўлган тожик қизининг ёрқин хотирасига бағишланган. Фильмда жуда чиройли табиий манзаралар бор. Фильмнинг ана шу фестивалда кўрсатилиши менинг ижодимда унутилмас саҳифа бўлиб қолади.

Мен ўзбек санъаткорларини жуда яхши биламан ва уларнинг ижодига қизиқиб қарайман. Айниқса, дугоналарим Дилором Камбарова ва Тамара Шокировалар яратган янги-янги ролларни завқ билан томоша қиламан.

Тошкент фестивалида қатор дўстлар орттирдим. Афғонистондан келган ижодкорлар билан учрашиб уларнинг бугунги олиб бораётган ишларидан боҳабар бўлдим.

Яна бир истагим бор. У ҳам бўлса «Ўзбекфильм» киностудиясида суратга олинадиган янги лентапарда суратга тушишдир. Бунинг учун машҳур ўзбек санъаткори Латиф Файзиев мени Тошкентга дастлабки синов тариқасида суратга тушишга таклиф этган. Бу санъаткор билан 1976 йилда «Ганг узра тонг» бадиий фильмида суратга тушганимда кўп нарсаларни ўрганган эдим. Ўшанда артистнинг фильмда суратга тушишига доир мураккаб тажрибаларни яхши эгаллаганман.

Тошкент фестивали билан менга ўргатаётган тажрибаси билан, ўзининг фильмларида суратга тушишга чорлаши билан менга ҳамиша қадрдон бўлиб қолади.

## КИНОНИНГ ШАРАФЛИ ВАЗИФАСИ

**Зугер ЭЛЬ-БУСТОНИЙ, Сурия, бўлғуси кинорежиссёр.**

Мен яна бир йилдан кейин Москвадаги Бутуниттифоқ Давлат кинематография институтини битираман. Бу олий таълим масканида таникли кино устаси Леонид Васильевич Косметовнинг ижодий маҳорат курсини ўтамоқдаман.

Институтда таълим олаётган ва уни битираётган ёшлардан катта группасини Тошкент кинофестивалига таклиф этишган. Тошкент кинофестивали биз учун амалий машғулот дарсхонаси, дўстона учрашувлар маскани, дастлабки лентапаримиз намойиш этиладиган катта имтиҳон аудиторияси ҳисобланади.

Бу фестивалга менинг биринчи марта келишим. Операторлик нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак Тошкент кўчаларида жуда ҳам жозибали бир нур бор. Бу нурнинг имкониятидан фойдаланиб бутун борлиқни, одамларни, ҳаяжонли дамларни суратга олабериш мумкин. Бу нур учун қўшимча сунъий чироқларнинг хеч қандай хожати йўқ. Иккинчи бундай гўзал нур кишиларнинг чеҳрасида намоён бўлиб турибди. Улар бу нур билан Тошкент фестивалининг қатнашчиларига дўстона, самимий ва кардошларча муносабатда бўлмоқдалар.

Тошкент кинофестивали жаҳон кинематографиясининг тараққиётига диагноз қўядиган жой. Ана шу диагноз ёрдами билан қайси мамлакатда кино канчалик тараққий этганлиги, қайси жойда эндигина ривожланаётганлигини яққол пайқаш мумкин. Шунинг учун ҳам биз араб мамлакатларининг бўлғуси ёш кино ижодкорлари тажрибаларни ўрганиш мақсадида Тошкентга келганмиз.

Тошкент кинофестивалида Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг қатор лентасини кўрдик. Уларда ягона мақсад, ягона интилиш равшан кўриниб турибди.

## ЭЗГУЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

**Виктор ВЕЙДА, Боливия, «Андина» вице-президенти.**

Мен Тошкент кинофестивалига биринчи марта катта қизиқиш билан келганман. Бу шаҳар ўзининг замонавий маданияти, архитектурасининг гўзаллиги, табиатининг оромбахшлиги билан ҳар қандай кишининг диққатини жалб этар экан. Айниқса бундай қулай шаҳарда халқаро санъат байрамининг ўтказилаётганлиги унинг бугунги гўзал маданияти билан жуда ҳам уйғунлашиб кетган.

Тошкент фестивали ўзининг интернационаллиги билан жаҳон аҳамиятига эга бўлган катта санъат байрамидир. У ўзининг олдига қўйган мақсади, қатнашчиларнинг турли миллат вакиллари эканлиги билан ҳам жаҳон пролетариатини мустаҳкамлашда қудратли восита бўла олади.

Бизнинг кинокомпаниямиз бир неча йиллардан буён «Совэкспортфильм» билан яхши алоқалар олиб бормоқда. Бу муассасанинг ёрдами билан Совет Иттифоқида тайёрланаётган кўпгина фильмлар Боливияда тез-тез кўрсатиб турилади. Совет фильмлари қатори ўзбек кинорежиссёри Равиль Ботировнинг «Муҳаббат ва нафрат» бадиий фильми Боливияда яхши кўрсатилган. Уни томошабинлар самимий кутиб олишган.

Фестиваль ғоятда тартибли ва муваффақиятли ўтмоқда. У ўзининг олдига қўйган мақсадини тўла амалга оширмоқда. Бундай катта халқаро анжуманни ташкил этган Тошкент кинофестивали дирекцияси адресига миннатдорчилигимни билдираман.

*Фестиваль фильмлари*

## ХАЛҚ МАТОНАТИ МАДҲИ

VI Халқаро Тошкент кинофестивалига «Қозоқфильм» киностудиясида яратилган иккита ҳужжатли ва битта мультипликацион фильмлари тавсия этилган. «Қўриқ» деб номланган биринчи ҳужжатли фильм Леонид Ильич Брежневнинг шу номли асари асосида яратилган. Картинада совет халқининг бутун куч-қудрати, ленинча аграр сиёсатни ҳаётга муваффақиятли татбиқ этаётган коммунистик партиямизнинг зийраклиги, донолиги ҳар томонлама асосланган ҳолда ёритилган. Томошабин кўз ўнгида асрлар давомида қақраб ётган қўриқ ерни ўзлаштиришга бел боғлаган ажойиб одамлар образи гавдаланади, уларнинг қаҳрамонона меҳнати қалбда ҳаяжон уйғотади. Ўша матонатли кишилар билан бир сафда туриб улкан ишларни амалга оширишга даъват этади.

Иккинчи ҳужжатли фильм режиссёр Ю. Пискуновнинг «Байканурдан икковлон» деган кинолентасидир. Фильм ҳозир номи машҳур бўлиб кетган Байканур ён атрофидаги бир овулда туғилган икки қозоқ йигити тақдири ҳақида.

Улардан бири ҳарбий журналист Баубек Вулкишев бўлиб, унинг «Комсомольская правда» газетаси саҳифаларида босилган мақолалари уруш йиллари совет жангчиларини қаҳрамонликка даъват этган. Иккинчиси эса қозоқлардан чиққан биринчи ҳарбий учувчи Серикпай Асатовдир. Иккови ҳам Ватанни босқинчилардан ҳимоя қилиб, қаҳрамонона ҳалок бўлишган.

Фильмда тасвирланган уларнинг образи томошабинда чуқур таассурот қолдиради. Картина сценарийсини С. Асқаров ёзган.

**Ш. ҲИДОЯТОВ,**
**киношунос.**

Шаҳримизда «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун» шиори остида ўтаётган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг кинофестивали ўз ишини муваффақиятли давом эттирмоқда.

СУРАТДА: фестиваль қатнашчиларидан бир группаси ўзаро суҳбатда. М. Нуриддинов фотоси.

# Саломатлик ҳақида суҳбатлар

**Ҳурматли редакция! Мен «Саломатлик ҳақида суҳбатлар» рубрикаси остида бериладиган мақолаларни қизиқиб ўқиб бораман. Навбатдаги мақолаларингизнинг бирида, ҳид билиш ва билмаслик ҳақида мутахассис мақоласини берсангиз айни муддао бўларди.**

**Н. ПОЧЧАБОЕВ, пенсионер, Улуғ Ватан уруши инвалиди.**

**Оқшомхоннинг илтимосини инобатга олиб, медицина фанлари доктори, профессор Қўчқор Жўраевич ЖЎРАЕВнинг қуйидаги мақоласини тайёрладик.**

ГАЗЕТХОН ИЛТИМОСИ

## ҲИД БИЛИШ ФАОЛИЯТИ БУЗИЛСА...

Инсон ўз ҳаётида нормал яшамоғи учун уни ўраб турган ташқи муҳит таассуротларига мослашмоғи лозим. Бу мослашув сезги органлари — анализаторлар (кўриш, эшитиш, ҳид билиш) орқали бажарилади. Ташқи муҳитдаги хил-ма-хил таассуротларни сезги органлари қабул қилади, улар мия қобиғидаги сезги марказларида анализ қилиниб, уларга қарши организм ўз жавобини беради, яъни муҳитга мослашади.

Ана шу сезги органларидан бири ҳид билиш анализаторининг периферик қисми, бурун бўшлиғининг юқори қисми — ҳид билиш зонасидан, шиллиқ пардада жойлашган специфик ҳид сезувчи нейроэпителиал ҳужайраларидан бошланади. Ўзидан ҳид тарқатувчи модда молекулалари буғ, чанг, газ ва бошқа бир ҳолатда шу айтиб ўтилган специфик ҳид сезувчи нейроэпителиал ҳужайраларига таъсир қилиб, қитиқлаб, нерв импульсларига айланиб, ҳид билиш нерви орқали марказга, яъни бош мия қобиғидаги ҳид билиш марказига етади, анализ қилинади.

Ҳид билиш назариялари бир нечта бўлсада, ҳид таратувчи моддалар қандай қилиб ҳид билиш анализаторини қитиқлаб, нерв импульсига айланиши ҳалигача тўлиқ аниқланган эмас. Бу ҳақда тиб фанининг бобокалони улуғ Абу Али ибн Сино ҳам бундан 1000 йил илгари ўзининг «Тиб қонунлари» китобида ҳид билиш ва унинг зарарланишини деярли ҳозирги замон даражасида ёритиб, ҳид таратувчи модда ҳаво, буғ орқали бурун бўшлиғининг юқори қисмидаги ҳид билиш нервига таъсир қилиб мияга боради, лекин қай ҳолатда, қандай қилиб бориши философлар муҳокамасига тегишли иш, деб таърифлаган. Буни қарангки, ҳид билиш назарияси ҳалигача ечилганича йўқ.

Ҳид билиш анализаторининг аҳамиятини тасвирлаш учун иккита мисол келтирайлик. Киши хонага кириши билан газ ҳидини сеза олса у дарҳол газ қаердан чиқаётганини ахтаради, топади ва фалокатнинг олдини олади. Ёки бўлмаса, туриб қолган овқатдан бир луқмасини оғзига олган бўлса-ю, димоғига қўланса ҳид урилса, у дарров овқат ейишдан тўхтайди, агар озгинасини ютган бўлса, бу сифатсиз овқатни чиқариб ташлаш учун кишида қусиш рефлекси пайдо бўлади. Ана шу мисолларнинг ўзидан ҳам киши ҳид билиш билан қандай ўзини ҳимоя қилиши кўриниб турибди.

Агар атрофда хушбўй ҳидлар таралиб турса, кишининг руҳи очилади. Ёки тортилган таом чиройли тусга ва хушбўй ҳидга эга бўлса киши яхши иштаҳа билан таомни ейди ва у яхши ҳазм бўлади.

Айрим кишиларда ҳид билиш органи бузилади. Бундай ҳолат юқумли касалликлар — менингит ёки грипдан кейин содир бўлиб, ҳид билиш нерви жароҳатланган бўлади. Бунга ҳид билиш нервининг неврити дейилади. Ёки бурун бўшлиғидаги бирор касаллик туфайли бўлиб, ҳид билиш зонасини тўсиб қўйиши мумкин (масалан, бурун бўшлиғидаги ўсмалар — полип, хавфли ва хавфсиз ўсмалар).

Ҳид билиш ҳар хил даражада бузилиши мумкин. Умуман ҳид билмаслик аносмия, унинг пасайиши эса гипохимия дейилади. Айрим ҳолатларда киши атрофида йўқ ҳидларни сезади. Бунга парохимия дейилади.

Ҳид билиш фаолияти бузилган кишилар ўз вазифаларини илгаригидек тўла ва тўғри бажара олмайдилар, айниқса, химия, озиқ-овқат саноатида хизмат қилувчилар. Шунингдек, ҳид сезишнинг йўқолиши ёки пасайиши беморларда овқат ҳазм қилиш системасига салбий таъсир қилади, улар табиатнинг хушбўй, муаттар ҳидларидан баҳраманд бўла олмайдилар.

Ҳид сезиши бузилган кишилар дарҳол врачга мурожаат қилишларини маслаҳат берамиз. Касалликнинг сабаблари ўз вақтида аниқланса, уни тезда даволаб, олдини олиш мумкин бўлади.

**Қ. ЖЎРАЕВ,**
**медицина фанлари доктори, профессор.**

## ДУНЁДА ЧЕЧАК КАСАЛЛИГИГА БАРҲАМ БЕРИЛДИ

ТАСС ШАРҲИ

**XX асрнинг энг катта муаммоларидан бири ҳал қилинди. Дунёда чечак билан оғриган биронта ҳам одам қолмади. Кўпгина мамлакатларнинг медиклари қатнашган халқаро кўламдаги кўп йиллик ҳаракат натижаси шундай бўлиб чиқди, деди ТАСС мухбири билан суҳбатда СССР соғлиқни сақлаш министри академик Б. В. ПЕТРОВСКИЙ. У 33-жаҳон соғлиқни сақлаш ассамблеясида совет делегациясига бошчилик қилган эди.**

Дунёда чечак касаллиги тугатилганлиги тўғрисидаги декларациянинг тантанали имзоланиши бу анжуманнинг муҳим воқеаси бўлди, деб таъкидлади министр. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти 18 мамлакат соғлиқни сақлаш ишининг энг обрўли олимлари ва ташкилотчиларидан, шу жумладан СССРнинг икки вакилидан иборат тузилган нуфузли комиссия чечакни тугатиш борасида ўтказилган кўп йиллик программа якунларини чиқарди ва ер юзида бу хавфли касаллик батамом йўқотилганлигини қайд этди.

Улуғ ишларга бой ҳатто бизнинг асримизда ҳам бу воқеа тарихга жаҳон фанининг энг ёрқин ғалабаларидан бири бўлиб киради. Ҳозир барча мамлакатларда чечакка қарши эмлашни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Муваффақиятли поёнига етказилган программа жаҳондаги кўпгина мамлакатлар медикларининг халқаро ташкилотлар координациясидаги бирлашган куч-ғайратлари юз минглаб кишилар ёстиғини қуритган оғир хасталикни енгиб чиққанлигининг ёрқин мисолидир.

Айни совет делегациясининг ташаббуси билан бундан 22 йил аввал чечакни йўқотишга қаратилган катта миқёсдаги программа ўтказишга қарор қилинганди. Совет Иттифоқи бу программанинг энг актив қатнашчиларидан бири бўлди.

Шундай қилиб, чечакка чек қўйилди. Шу олижаноб инсонпарварлик мақсадларига эришишда ҳар бир кишининг соғлиғи учун, ер юзида тинчлик учун кўпгина давлатлар ва халқларнинг куч-ғайратларини бирлаштириш асосий омил бўлганлигини яна бир карра таъкидлашни истайман, деди пировардида министр. Чечак устидан қозонилган ғалаба бизларни бошқа юқумли касалликларни тугатиш борасидаги бирлашган программаларни амалга ошириш имкониятлари билан қуроллантиради албатта.

Ўтган йили янги Тошкент медицина институтининг клиникаси қошида артрология бўлими ташкил этилган эди. Бўғинлар касаллиги билан шуғулланадиган бу бўлим эндиликда малакали мутахассислар билан етарли таъминланган. Улар орасида Л. В. Пак, Ф. Бурхонова, Ҳ. Раҳимова, М. Юнусова сингари врач ва медицина ҳамшираларининг номлари беморлар томонидан севиб тилга олинади.

СУРАТДА: врач Л. В. Пак беморнинг рентген қоғозини кўздан кечирмоқда.

Ҳ. Тилабоев фотоси.

СЎРАГАН ЭКАНСИЗ...

## Озодаликда гап кўп

**Улкамизда ёз фасли бошланяпти. Айрим кишиларнинг ана шу фаслда оёқ терлаши кучаяди. Айтингчи, бу ҳам бирор хасталик белгисими? Оёғи терчан кишилар нима қилишлари, қандай дорилардан фойдаланишлари керак? Шу ҳақда маълумот беришингизни сўраймиз.**

**А. БЕГМАТОВ, С. ШАРИПОВ, Р. АКБАРОВ, студентлар.**

Оёқнинг кўп терлаши организм заифлашганда, камқонликда, нерв системаси издан чиққанда, шамоллашдан бўладиган касалликлар вақтида содир бўлади. Ҳамманинг оёқ кафти ва бармоқ оралари озми-кўпми терлайди. Бу озгина тер товон терисини юмшатиб, чўзилувчан қилади. Бироқ, чиқадиган тер миқдори ҳамма вақт бир хил бўлавермайди. Узоқ йўл юрилганда, жисмоний меҳнат қилганда, ёзда оғир пойафзал кийилганда, пайпоқ ва носкилар тез-тез алмаштириб турилмаганда ва кир бўлганда оёқ кўп терлайди. Оёқ панжаси ясси бўлган кишиларнинг оёқлари янада кўпроқ терлайди. Оёқ кафтидаги тери тер туфайли бўкиб тезда яллиғлайди, бармоқ оралари бичилади (тери ёрилади). Терлайдиган оёқда замбуруғ касалликлари — эпидермофития ривожланиши учун қулай шароит мавжуд бўлади.

Оёғи терчан киши дастлаб организмини мустаҳкамлаш чораларини кўриши лозим. Унга поливитаминлар, балиқ мойи ва бошқалар жуда фойдалидир. Бундай киши спорт ва гимнастика билан шуғулланиши, алкоголли ичимликларни, ўткир зиравор ва дориворларни кам истеъмол қилиши лозим.

Организмни мустаҳкамлаш чораларини кўриш билан бир қаторда озодаликка ҳам қатъий риоя қилиш: оёқларни бот-бот ювиш, пайпоқ ёки носкиларни тез-тез алмаштириб туриш зарур. Оёғи кўп терламайдиган кишига оёғини ҳар куни сочиқ билан артиш кифоя қилади, лекин оёғи терчан киши ҳар куни оёқларини муздек сувга совунлаб ювиши, оёқ кафти ва бармоқлари орасини артиб қуритиши лозим. Оёқларни калий перманганат солинган пушти ранг илиқ сувга ботириб туриш терлашни камайтиради ва оёқнинг нохуш ҳидини олади. Сувга калий перманганат ўрнига борат кислота (бир литр сувга бир чой қошиқ ҳисобидан) қўшса ҳам бўлади. Оёқ эман, тол пўстлоғи дамламаси ёки ёнғоқ дарахт барглари қўшилган сувга ботириб турилганда ҳам кам терлайдиган бўлади.

Оёқни ювгач ёки оёқ ваннасидан кейин артиб қуритиш, «Гигиена» лосьони билан артиш, борний вазелин суртиш ёки «Гальманин» деб аталадиган порошок сепиш керак. Булар ўрнига борат кислота, куйдирилган аччиқ тош ва талькни баравар миқдорда аралаштириб тайёрланган порошок сепса ҳам бўлади. Уротропин билан талькни баравар миқдорда аралаштириб ишлатиш ҳам фойдалидир. Уни қаторасига уч-тўрт кун сепгач, оёқни ювиш керак. Формалиннинг сув ёки спиртдаги бир процентли эритмаси ҳам оёқнинг терлашини камайтиради. Оёқ кафтига ва бармоқ ораларига шу эритма ҳафтасига икки-уч марта суртилади. Бармоқ оралари бичилган бўлса, формациндан фойдаланиш ярамайди.

Оёқларни нардоз сиркаси билан артиш ҳам терлашни камайтиради. Шу мақсадда ишлатиладиган туркона дорилардан бири ёғоч кулидир.

Ҳар куни эрталаб муздек сувга ҳўлланган мочалка билан оёқни бармоқлардан бошлаб тиззагача артиш, сўнгра сочиқ билан артиб яхшилаб қуритиш кўп терлайдиган оёққа фойда қилади. Пайпоқ ичига оёқни терлатмайдиган порошок сепиш ҳам яхши натижа беради.

Оёғи терлайдиган киши нейлон, дедерон, капрон ва бошқа синтетик иплардан тўқилган пайпоқ киймаслиги керак. Чунки бундай пайпоқ терни шиммайди, шунингдек, резина пойафзал ва таг чармига резина ишлатилган пойафзал кийиш ҳам ярамайди. Бундай пойафзал оёқ терисининг буғланишига халақит беради. Оёғи терлайдиган киши пайпоғини яхшилаб ювиши, дазмоллаши, пойафзални алмаштириб туриши лозим, шунда ечилган пойафзал шамоллаб яхши қурийди. Чўмилиш, қуёш ва ҳаво ванналари кўп терлайдиган кишилар учун жуда фойдалидир. Бир сўз билан айтганда, энг муҳими озодаликка қатъий риоя қилиш керак!

# ТО Справкалар бюроси

## ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

**С. ИСАЕВ: Инвалид бўлмаган Улуғ Ватан уруши қатнашчилари бетоб бўлиб қолган пайтда врачлар қабулига навбатсиз киришлари мумкинми?**

**Жавоб:** Ҳа. Улуғ Ватан уруши қатнашчилари Улуғ Ватан уруши инвалидлари сингари навбатсиз кинотеатр, концертларга билет олиш, магазинлардан буюм харид қилиш, врачлар қабулига кириш имтиёзидан фойдаланишлари мумкин.

* * *

**Т. АСАДОВ: Социал таъминот бўлимлари Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига санаторий, профилакторий ва дам олиш уйларига путёвкаларни қандай тартибда беради?**

**Жавоб:** Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига путёвкалар иш жойидан биринчи навбатда берилади. Социал таъминот бўлимларида эса уларга путёвкалар маълум тартиб асосида берилади. Чунки социал таъминот бўлимлари меҳнат инвалидлари, умумий касаллик инвалидлари, кексалик пенсияси олувчи инвалидларни ҳам санаторий, курорт, профилакторий ва дам олиш уйларига путёвкалар билан таъминлайдилар. Шу боисдан ҳам улар путёвкаларни маълум тартиб асосида тақсимлашади.

* * *

**Қ. ЮНУСОВ: Улуғ Ватан урушининг инвалиди вафот этгандан кейин унинг оиласида шу киши хаётлигида фойдаланган имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қоладими ёки сақланиб қолмайдими?**

**Жавоб:** Бундай оилаларда имтиёзлардан, яъни турар жой учун тўланадиган ижара ҳақини эллик процент миқдорида тўлаш ҳуқуқи сақланиб қолмайди. Фақат унинг фарзандлари ва қариндошлари шахсий буюмлари, социал таъминот томонидан бепул берилган транспорт воситаларидан мерос сифатида фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қоладилар.

* * *

**Н. БЕРДИЁРОВ: Мен Улуғ Ватан уруши йилларида икки марта жароҳатланганман, лекин ўз вақтида группа ололмаганман. Хўш, биз неча ёшдан пенсияга чиқишимиз мумкин?**

**Жавоб:** Сиз ва Сизга ўхшаган уруш қатнашчилари группа олиш учун поликлиникадан йўлланма олиб врачлик меҳнат эксперт комиссиясидан кўрикдан ўтишлари лозим. Агар врачлик меҳнат эксперт комиссияси соғлиғингизнинг яхшилигини исботласа, умумий асосда 60 ёшдан пенсияга чиқасиз. Уруш вақтида олинган жароҳат асорати асосида бирон касалликка чалинганлар уруш қатнашчиларига группа берилади.

* * *

**И. НАЗАРОВА: Ижтимоий ўзаро ёрдам кассалари кимларга ёрдам кўрсатиши мумкин?**

**Жавоб:** Касаба союзларининг фабрика, завод ва маҳаллий комитетлари ҳузуридаги ижтимоий ўзаро ёрдам кассалари ишчи ва хизматчиларга узоқ ва қисқа муддатга қарз берадилар. Колхозлардаги ўзаро ёрдам кассалари колхозчиларга, ижодий союзларнинг фондлари адабиёт ва санъат ходимларига қарз берадилар.

Қарзларнинг муддатлари ва уларнинг берилиши шартлари ижтимоий ўзаро ёрдам кассаларининг типовой устави ва ижодий союзлар фондларининг устави билан белгиланади.

Қарз белгиланган муддатда қайтарилмагани ҳолда, қарз олувчига нисбатан жамоат йўли билан таъсир қилиш чоралари қўлланилади. Агар қарздор қарзни тўлашдан бош тортса, қарз Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан белгиланган тартибда ундирилади.

# физкультура ва спорт

⊙ Қуйи физкультура коллективларида

## Саф кенгаймоқда

Й. Охунбобоев номидаги республика медицина билим юртида физкультура ва спортни оммалаштириш, маҳоратли спортчилар тайёрлаш борасида ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда. Белгиланган график асосида машғулот ўтказиш, турли мусобақаларда қатнашиш билим юрти спортчиларининг маҳоратини оширяпти. Шу боисдан ҳам ўқувчилар касб сирларини мукаммал ўрганиш билан бирга тажрибали спортчи ҳам бўлиб етишмоқдалар. Бунга билим юртининг собиқ ўқувчиси Григорий Муллаевни мисол келтириш мумкин. У 1978 йилда бокс бўйича ўтказилган мамлакат биринчилигида совринли ўринни қўлга киритиб, СССР спорт мастери унвонини олган эди. Шу ерда маҳорат сирларини ўргана бошлаган Ниёзбой Ниёзов классик кураш бўйича ўтказилган мамлакат спорт мастери нормативини бажаришга эришган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, билим юрти спортчилари район, шаҳар мусобақаларида доимо яхши қатнашиб келмоқдалар. Натижаларнинг юксак бўлишида секцияларда олиб борилаётган машғулотларнинг таъсири катта бўляпти. Бу ерда волейбол, баскетбол, енгил атлетика, теннис, сузиш секциялари ишлаб турибди. Айниқса, волейбол секциясида олиб борилаётган машғулотлар самарали бўляпти. Равшан Пўлатов раҳбарлик қилаётган бу секцияда олти нафар спортчи иккинчи, 14 нафар спортчи учинчи разряд нормативини бажарди.

— Билим юртимизда, — дейди физкультура ўқитувчиси, бокс бўйича республика тоифасидаги судья Шавкат Зиямуҳамедов, — ўқувчилар билан бир қаторда ўқитувчилар ҳам спорт билан шуғулланишади. Шу боисдан ҳам натижаларимиз яхшиланиб боряпти. Буни қуйидаги мисоллардан ҳам билиб олса бўлади. Шу йилнинг ўтган даврида 694 оммавий разрядли, тўрт биринчи разрядли спортчи, 705 ГТО нишондори тайёрланди. Жамоатчилик асосида иш олиб борадиган инструкторлар сафига 120 киши қўшилди. 125 киши жамоатчи судья гувоҳномасини олди.

Қисқа қилиб айтганда, билим юртида спортни кишининг саломатлигини мустаҳкамлаш манбаи деб тушунилмоқда. Худди шу тўғри хулоса янги муваффақиятларни қўлга киритилишига омил бўляпти.

**Ҳ. ИНОҒОМОВ.**

## Катта синов якуни

**Ҳар йили республика ўрта таълим ўқув юртлари спортчилари ўртасида шаҳар спартакиадасини ўтказиш анъанага айланиб қолган. Футбол, сузиш, енгил атлетика, баскетбол, волейбол, ГТО кўп кураши ва бошқа турлар бўйича шаҳардаги техникумлар спортчилари куч синашмоқдалар. Биз мусобақалар бош судьяси, республика тоифасидаги судья Аҳмад Габидович Воҳидовдан волейбол бўйича эркаклар ва қизлар ўртасида бўлиб ўтган беллашувлар ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилдик.**

— Шаҳар спартакиадаси программасидан ўрин олган волейбол мусобақаларига командалар пухта тайёргарлик кўрдилар. Яқинда бўлиб ўтган «Спартак» кўнгилли спорт жамияти Тошкент область Совети биринчилиги мусобақалари командаларга шаҳар спартакиадаси олдидан катта синов бўлди. Бу мусобақаларда 24 техникум спортчилари қатнашдилар. «Б» группасида биринчи ва иккинчи ўринни олган командалар кейинги йили «А» группасида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритади.

«А» группасидаги мусобақалар алоқа политехникуми спорт залида, қизлар ўртасидаги баҳслар авиация техникуми спорт залида бўлиб ўтди.

Эркаклар ўртасидаги беллашувларда Тошкент область Совети учун ўтказилган биринчилик чемпиони, Тошкент типография техникуми волейболчилари етти очко жамғариб, яна ғолиблик нашидасини сурдилар. Бронза медали совриндори — майдон эгалари алоқа политехникуми матбаачиларидан бир поғона паст ўринни эгаллашди.

Қизлар ўртасидаги мусобақаларда Боровков номидаги шаҳар медицина билим юрти, геология-қидирув, электромеханика, ошпазлик, авиация, алоқа политехникуми, Крупская номидаги республика мактабгача тарбия педагогика билим юрти ва Охунбобоев номидаги республика медицина билим юрти волейболчилари иштирок этишди. Электромеханика техникуми командаси барча учрашувларда ютуққа эришиб, биринчи ўринни эгаллади. Алоқа политехникумининг волейболчи қизларига иккинчи ўрин насиб этди. Авиация, геология-қидирув ва республика медицина билим юрти командалари бир хил очко тўплашди. Учрашувлар нисбатига кўра геология-қидирув техникуми командасига учинчи ўрин берилди.

**Ш. ҲИДОЯТОВ.**

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

## ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 28/V да **Ганг дарёсининг қизи**, 29/V да **Қизил яйловдаги кўк тулпорлар.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 28/V да **Тўйдан олдин томоша**, 29/V да **Чоллар ва кампирлар.**

## ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Кўзга кўринмас одам»** фантастик-саргузаштли аттракционнинг гастроллари (19.30 да).

## КИНО

**БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:**

**28 МАЙДА**

«ЖАВОБСИЗ ҚОЛГАН МУҲАББАТ» — **Тинчлик** (13, 15, 17, 19, 21.00, телефон 53-86-07).

«СИРЕНЕВАЯ КЎЧАСИНИНГ БОЛАЛАРИ» — **Ғунча** (11, 13, 15.00, телефон 42-08-80).

«ТАНЕР БЎЛИНГ, ЖАНОБИ ОЛИЯЛАРИ» — **Пионер** (11, 12.30, 14, 15.30).

П. Ф. БОРОВСКИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ШАҲАР МЕДИЦИНА БИЛИМ ЮРТИ

**30 май соат 11.00 дан бошлаб билим юртига кириб ўқишни хоҳловчилар учун**

**ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИНИ ЎТКАЗАДИ.**

**Ўрта мактабларнинг 8—10-синф ўқувчилари ва уларнинг ота-оналари таклиф қилинади.**

**Программада: билим юрти тарихи, анъаналари, лабораторияларни ва ўқув кабинетлари билан танишиш.**

Адрес: Тошкент шаҳри — 15, Ремесленная кўчаси, 8-уй (1, 2, 3, 4, 5, 12, 13, 14, 28-трамвайларнинг «Санъат музейи» ёки «Куйбишев кўчаси» бекатлари).

## МЕВА-САБЗАВОТ ЯРМАРКАСИ

ЯНГИ МЕВА-САБЗАВОТЛАРДАН МАЗАЛИ НАРСА БОРМИ? МАГАЗИН ПЕШТАХТАЛАРИГА ҲАР ХИЛ КЎКЛАР ВА САБЗАВОТЛАР ЧИҚҚАНДА МЕНЮИНГИЗГА КЎПРОҚ САБЗАВОТЛАРНИ ҚЎШИНГ. АХИР САБЗАВОТЛАР ВИТАМИНЛАР МАНБАИДИР.

**ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР!**

**СИЗЛАРНИ 29 МАЙДАН БОШЛАБ НОЯБРЬ ОЙИГАЧА 1 ва 11** (Спутник, Ц—3) **ва** 9-(Сергели—2) магазинларда ўтказиладиган

**МЕВА-САБЗАВОТЛАР ЯРМАРКАСИГА**

**таклиф қиламиз!**

**Ярмаркадан янги карам, кўклар, пиёз, чеснок ва сабзи сотиб олишингиз мумкин.**

**Ярмаркага 40, 58, 75-автобуслар, 15-троллейбусда бориш мумкин.**

**СЕРГЕЛИ райпишчеторги.**

**«УЗТОРГРЕКЛАМА» телепрессагентлиги.**

## «ДЎСТЛИК» МАКТАБ-МАГАЗИНИ ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Шаҳримиз кун сайин чирой очиб бормоқда. Кўз ўнгимизда кўчалар, хиёбонлар, чорраҳалар, парклар қиёфаси ўзгармоқда. Кун сайин янги-янги уй-жой кварталлари, массивлар, магазинлар бунёд этилмоқда. Бугунги кунда сотувчилик касби ёшлар ўртасида бир мунча оммалашиб бормоқда. Бу касб кишилар учун зарурдир. У сотувчидан нафақат амалий тажриба, шу билан бирга катта назарий тайёргарликни ҳам талаб қилади.

СОТУВЧИЛИК КАСБИНИ ЭГАЛЛАШИНГИЗДА СИЗГА «ДЎСТЛИК» МАКТАБ-МАГАЗИНИ ЁРДАМ БЕРАДИ

**«Дўстлик» мактаб-магазини — бу, ўқувчилар бир вақтнинг ўзида назарий билим билан бирга ишда қўл келадиган амалий тажриба ҳам эгаллайдиган савдо корхонасидир.**

Сиз мактаб-магазинда товаршунослик, совет савдосини ташкил этиш, савдо ҳисоботи, совет ва меҳнат ҳуқуқи асосларини ўрганасиз.

Ўқув синфлари замонавий савдо-технология ускуналари ҳамда зарур ўқув ва кўргазмали қуроллар билан жиҳозлангандир.

Олти ойлик ўқиш давомида Сиз кичик сотувчилик касбини эгаллайсиз.

Мактаб-магазинда ўқишни тамомлагач, Сизга Чилонзор район озиқ-овқат савдоси магазинларида ишлаш имконияти берилади.

**«ДЎСТЛИК» МАКТАБ-МАГАЗИНИГА 16 ДАН 25 ЁШГАЧА БЎЛГАН 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ҚИЗ-ЖУВОНЛАР ИМТИҲОНСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.**

**Тошкентда доимий пропискада бўлиш шарт.**

МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

**Ўқувчиларга ойига 64 сўмгача стипендия берилади.**

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИЛАДИ.

**Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак:** ўрта маълумоти тўғрисида аттестат ёки саккизинчи синфни тамомлаганлиги ҳақида шаҳодатнома, паспорт ёки туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, мактабдан ёки сўнгги иш жойидан характеристика, агар бўлса меҳнат дафтарчаси, турар жойидан справка, иккита фотосурат (6х9 см).

**МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР ТУЗИЛГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.**

**Маълумотлар олиш учун қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги проспекти, 6-квартал, 18-уй (50, 75-автобуслар; метронинг «Чилонзор» станцияси бекати). Телефон 76-26-88.**

ЧИЛОНЗОР РАЙПИШЧЕТОРГИ.

«УЗТОРГРЕКЛАМА» телепрессагентлиги.

**Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш министрлиги 93-ихтисослаштирилган трестининг**

ЎҚУВ ПУНКТИ

3 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

## ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

**Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда қуйидаги ихтисослар бўйича: қозонхона қурилмалари ускуналари бўйича слесарь-монтажчи, слесарь-труба ётқизувчи, саноат корхоналарининг технология ускуналарини монтаж қилувчи слесарь-монтажчилар,**

**8—10-синф ҳажмида маълумотли ҳамда Совет Армияси сафидан запасга оўшатилган 18 дан 35 ёшгача бўлган йигитлар қабул қилинадилар.**

Ўқувчилар ойига 76 сўм стипендия оладилар ва ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 50 процентини оладилар, шунингдек, ётоқхона ва махсус кийим билан таъминланадилар.

**Курсни тамомлаганлар трест бўлинмаларига ишга юборилади-лар.**

**Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак:** паспорт, ҳарбий билет, соғлиғи тўғрисида справка, маълумоти тўғрисида ҳужжат, характеристика, ариза, автобиография, меҳнат дафтарчаси, 6 та фотосурат (3х 4 см.).

**Машғулотлар ўқув группалари тузилгандан сўнг бошланади.**

**Қабул комиссияси шанба ва якшанба кунларидан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди.**

**Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: 700029, Тошкент шаҳри, Чимкент кўчаси, 17-уй. Телефонлар: 56-05-15, 56-09-17.**

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ УМУМИЙ ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИНГ БИТИРУВЧИЛАРИНИ ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ СИСТЕМАСИДАГИ

# ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИГА

**1980—1981 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН**

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

# ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

# ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

**СИЗНИНГ ОЛДИНГИЗДА ҲОЗИР «ҚАЙСИ ЙЎЛНИ ТАНЛАЙ?», «ҚАЕРГА ЎҚИШГА КИРАЙ?», «КИМ БЎЛАЙ?», «ҲАЁТДА ЎЗ ИСТЕЪДОДИМНИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ТОПАЙ?» ДЕГАН ҚАТОР МУҲИМ САВОЛЛАР ТУРИБДИ.**

СИЗ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИГА БОРИБ БУ САВОЛЛАРИНГИЗГА ЖАВОБ ТОПА ОЛАСИЗ.

УЗИНГИЗГА ЁҚҚАН КАСБНИ ТАНЛАНГ!

84-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

**Билим юрти 8-синф ҳажмида маълумотли, 15 ва ундан катта ёшдаги усмирлар ва қизларни қабул қилади.**

**Ўрта маълумотлилар ҳамда Совет Армияси сафидан запасга бўшатилганлар учун монтажчи-электр-газ пайвандчи, СЦБ электр монтажчиси, дурадгор, бўёқчи, суворқчи касблари бўйича ўқиш муддати 1 йиллик. Группа тузилмоқда.**

**Дарслар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.**

**Билим юрти «СРЕДАЗТРАНССТРОЙ» трестининг қурилиш ташкилотлари учун қуйидаги ихтисослар бўйича мутахассислар тайёрлайди:** метрополитен ва темир йўл транспортида автоматика, телемеханика ва алоқа воситалари бўйича электр монтажчи алоқачи ва телемеханиги, юқори кучланишдаги ҳаво симларини монтаж қилувчи электр монтёр, электр-газ пайвандчи-монтажчи, сантехник-слесарь, қурилиш машиналари ҳамда технология ускуналарини ремонт қилувчи слесарь, монтажчи-ғишт терувчи, бўёқчи-суворқчи, дурадгор, суворқчи.

Рассомлик ижодига мойил бўлган қобилиятли ёшлар ганч ўймакорлиги ҳамда ёғоч ўймакорлиги бўйича группаларга қабул қилинадилар.

Билим юртини тамомлаганларга ўрта маълумот билан бирга қурувчилик касби берилади.

3 йиллик ўқиш даври узлуксиз иш стажига қўшилади.

Билим юртида эркин кураш бўйича ихтисослаштирилган спорт группаси тузилмоқда.

Ўқувчилар 3 маҳал иссиқ овқат, кийим-кечак ва махсус кийим билан таъминланадилар, шунингдек, ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақининг 50 процентини оладилар.

**Бошқа шаҳарлардан келганларга ётоқхона берилади.**

**Билим юртини тамомлаганлар темир йўл транспорти ходимлари учун белгиланган имтиёзлардан фойдаланадилар.**

**Аълочи ўқувчилар конкурсдан ташқари олий ўқув юртларига юбориладилар.**

**Билим юртига кирувчилар ҳужжатларини 1 июлгача топшириш-лари ёки почта орқали юборишлари керак.**

**МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.**

Адрес: Тошкент—74, Ҳамза райони, Слоним кўчаси, 84-уй (15, 23, 61, 26-автобусларнинг «Иззат», 8, 21, 48, 80-автобус; 3, 23-трамвайларнинг «Котельная» бекати). Телефон: 96-17-61.

**Меҳнат Қизил Байроқ орденли Октябрь революцияси номли тепловоз-ремонт заводи базасида очилган**

155-ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

УЗОҚ МАСОФАГА ҚАТНОВЧИ ПАССАЖИР ВАГОНЛАР ПРОВОДНИКЛАРИ. Ўқиш муддати —1 йил. Ўрта маълумотли 17,5 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади. Ойига 30 сўм стипендия тўланади. Етоқхона билан таъминланмайди.

МАШИНА ҚОЛИПЛОВЧИСИ. 8—10 синф ҳажмида маълумотли 17,5 ва ундан катта ёшдаги йигитлар қабул қилинади. 8-синф ҳажмида маълумотлиларга ойига 70 сўм, 10 синф ҳажмида маълумотлиларга—72 сўм стипендия берилади. Етоқхона билан таъминланади.

МАШИНИСТ ЕРДАМЧИСИ, ТЕПЛОВОЗНИНГ МЕХАНИКА ҚИСМИНИ РЕМОНТ ҚИЛУВЧИ СЛЕСАРЬ, ЭЛЕКТРГАЗ ПАЙВАНДЧИ,ТЕПЛОВОЗНИНГ ЭЛЕКТР ҚИСМИНИ РЕМОНТ ҚИЛУВЧИ СЛЕСАРЬ, САНОАТ УСКУНАЛАРИНИ РЕМОНТ ҚИЛУВЧИ СЛЕСАРЬ, ХОЛОДИЛЬНИК УСКУНАЛАРИНИ РЕМОНТ ҚИЛУВЧИ СЛЕСАРЬ. Ўқиш муддати—3 йил. 15 ва ундан катта ёшдаги 8-синф ҳажмида маълумотли ўтсмирлар қабул қилинади.

Ўқишга қабул қилинганлар ҳар куни 3 маҳал иссиқ овқат, кийим-кечак билан таъминланадилар, шунингдек ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 50 процентини оладилар.

Ўқиш даври узлуксиз иш стажига қўшилади.

Ўқишни тамомлаганларга билим юртини битирганлиги тўғрисида диплом берилади.

Билим юртини аъло баҳолар билан тамомлаганлар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига имтиёзли тарзда қабул қилинадилар.

Билим юртини тамомлаганлар темир йўл транспорти ходимлари фойдаланадиган ҳамма имтиёзлардан баҳраманд бўладилар, шунингдек Совет Иттифоқининг исталган жойига темир йўлда текинга борадилар.

**ҲУЖЖАТАР ЯКШАНБАДАН ТАШҚАРИ ҲАР КУНИ СОАТ 9.00 ДАН 15.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри —5, Червяков кўчаси, 12-уй (1, 5-трамвайлар, 22, 55, 106-автобусларнинг «Фоменко» кўчаси бекати). Телефон 91-14-07.

129-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ОШПАЗ (хорижий таомларни пиширишни ҳам ўргатилади), ҚАНДОЛАТЧИ. **Ўқиш муддати — 2 йил, 10-синф ҳажмида маълумоти булганлар қабул қилинади;** ОШПАЗ, ҚАНДОЛАТЧИ, САНОАТ МОЛЛАРИ БИЛАН САВДО ҚИЛУВЧИ. **Ўқиш муддати— 3 йил. 8-синф ҳажмида маълумоти бўлганлар қабул қилинади;** ОФИЦИАНТ (чет тили ўргатилади), САНОАТ МОЛЛАРИ БИЛАН САВДО ҚИЛУВЧИ. **Ўқиш муддати —1 йил. 10 синф ҳажмида маълумоти бўлганлар қабул қилинади.**

**Ўрта маълумотли ўқувчиларга 30 сўм стипендия берилади.**

8-синф ҳажмида маълумотли ўқувчилар иссиқ овқат, кийим-кечак билан таъминланадилар, билим юртини тамомлаганларидан сўнг ўрта маълумот тўғрисида диплом оладилар.

БИЛИМ ЮРТИНИ БИТИРГАНЛАР ЎРТА ОСИЁ РЕСПУБЛИКАЛАРИ ВА ҚОЗОҒИСТОН ССР ТЕРРИТОРИЯСИДА ЧЕТ ЭЛЛИК ТУРИСТЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ ЎЗБЕКИСТОН ССР САВДО МИНИСТРЛИГИ КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАЙДИЛАР.

**Машғулотлар яхши жиҳозланган ва кабинет системасида олиб бориладиган янги ўқув корпусида ўтказилади.**

Бадиий ҳаваскорлик тўгараги ва спорт секциялари ишлайди.

Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

МАШҒУЛОТЛАР —1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Юнусобод массиви, Д—2, Аҳмад Дониш кўчаси, 28-уй (51, 72, 60, 48, 8, 24 102-автобуслар; 25, 28, 29-трамвайларнинг «Д—2 муолиши» бекати). Телефон 24-78-00.

**Тошкент метрополитени ва темир йўл бошқармаси базасидаги**

170-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

БИЛИМ ЮРТИ ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИ ҲАМДА ТЕМИР ЙЎЛ БОШҚАРМАСИДА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ.

МЕТРОПОЛИТЕН УЧУН: **машинист ёрдамчиси, электр поездларнинг электр ускуналарини ремонт қиладиган электр слесарлар, тортиш подстанцияларининг электр монтёрлари** (8-синф ҳажмида маълумотлилар қабул қилинади), **подстанцияларнинг назбатчилари, эскалатор машинистлари** (8—10 синф ҳажмида маълумотлилар қабул қилинади);

ТЕМИР ЙЎЛ УЧУН: **тепловоз машинисти** (10 синф ҳажмида маълумотлилар, Совет Армияси сафидан запасга бўшатилганлар); **машинист ёрдамчилари, электр ускуналарини ремонт қилувчи электр слесарлар, СЦБ ва алоқа электр монтёрлари, ҳаракатдаги состав ускуналарини ремонт қилувчи слесарлар, электр пайвандчи, станция навбатчилари** (8—10-синф ҳажмида маълумотлилар).

ЎҚИШ МУДДАТИ —1 ВА 3 ЙИЛ.

8-синф ҳажмида маълумотли ўқувчилар ўрта маълумот тўғрисида аттестат билан биргаликда касб эгаллайдилар, кийим-кечак ва уч маҳал иссиқ овқат билан таъминланадилар; 10 синф ҳажмида маълумотлилар —72 сўм стипендия оладилар (тепловоз машинисти группасидагилар).

**Ишлаб чиқариш практикасини ўтяш даврида ҳамма ўқувчиларга иш ҳақининг 50 процентя тўланади.**

ЎҚИШНИ БИТИРИБ ЧИҚҚАНЛАР ТЕМИРЙЎЛЧИЛАРГА БЕРИЛГАН ИМТИЁЗЛАРДАН ФОЙДАЛАНАДИЛАР, АЪЛОЧИ ЎҚУВЧИЛАР ЭСА, ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ЎҚИШГА ЮБОРИЛАДИЛАР.

**ЎҚИШНИ БИТИРИБ ЧИҚҚАНЛАР ТЕМИРЙЎЛЧИЛАРГА БЕРИЛГАН ИМТИЁЗЛАРДАН ФОЙДАЛАНАДИЛАР,**

**ҲУЖЖАТЛАР УМУМИЙ АСОСДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

Бизнинг адрес: 700064, Тошкент шаҳри 2-Охунбобоев кўчаси, 68-уй. Телефон 53-43-52.

83-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

**слесарь, сантехник-газ пайвандчи, вентиляцячи, монтажчи-слесарь, электр газ-пайвандчи, мебелчи-дурадгор тайёрлайди. Ўқиш муддати — 1—3 йил; электр пайвандчи. Ўқиш муддати —1 йил; химия ва нефть химияси саноати ускуналарини монтаж қилувчи слесарь, токарь, кранчи-машинист, автослесарь. Ўқиш муддати— 3 йил.**

**БИЛИМ ЮРТИГА 15—17 ЯРИМ ЕШЛИ 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ УСМИРЛАР ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

3 йил муддатли касб бўйича ўқувчилар билим юртини тугатганларидан сўнг диплом оладилар ва уларга 3—4 разрядли мутахассис унвони ҳамда ўрта маълумот тўғрисида аттестат берилади.

**Ўқиш даври узлуксиз иш стажига қўшилади.**

**МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.**

**Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.**

Ўқувчиларга 3 маҳал пулсиз иссиқ овқат, кийим-кечак, практика даврядаги маошининг 50 процентя берилади.

Билим юртини тамомлагандан сўнг ўрта маълумот билан конкурсдан ташқари олий ўқув юртига кириш мумкин. Бир йил ўқийдиганларга 60 сўм стипендия берилади.

БИЛИМ ЮРТИНИ ТАМОМЛАГАНЛАР ЎЗБЕКИСТОН ССР МОНТАЖ ВА МАХСУС ҚУРИЛИШ МИНИСТРЛИГИ КОРХОНАЛАРИГА ИШГА ЮБОРИЛАДИЛАР.

**Машғулотлар— 1 сентябрдан бошланади.**

ҲУЖЖАТЛАР —ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

Билим юртининг адреси: Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, Оқдарё кўчаси, 122-уй (15, 26-автобусларнинг «Поликлиника», 7, 12, 52, 37, 68, 102-автобусларнинг «Ер-мой комбинати» бекати). Телефон 91-33-94.

57-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

**Билим юрти металл бўйича токарь, фрезерчи, саноат ускуналарини ремонт қиладиган слесарь-механик, механика ишлари слесари, саноат электр ускуналарини ремонт қиладиган электр монтер, электр пайвандчи, дурадгор, автослесарь, механик ишлов оўинча техника контроли оўлимни контролери, каоель ишлаб чиқариш электр монтёри, саноат совутиш қурилмаларига хизмат курсатиш ва ремонт оўйича машинист танёрланди.** ЎҚИШ МУДДАТИ —3 ЙИЛ;

**металл оўйича токарь, механика йнгув ишлари слесари, саноат электр ускуналари ремонти бўйича электр монтер.** ЎҚИШ МУДДАТИ —1 ЙИЛ.

**БИЛИМ ЮРТИГА 8—10-СИНФНИ ТАМОМЛАГАН ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.**

3 йиллик муддатли группада ўқиётганларга ўрта ҳунар-техника билим юртини тамомлаганлиги тўғрисида диплом берилади.

Ўқувчилар 3 маҳал иссиқ овқат, ишчи кийим-кечаги билан таъминланадилар.

Бошқа шаҳардан келганлар (саноат совутиш қурилмаларига хизмат кўрсатиш ва ремонти бўйича машинистлар ҳамда автослесарлардан ташқари) ётоқхона билан таъминланадилар.

**Билим юртини имтиёзли тамомлаганлар олий ўқув юртига ўқишга юбориладилар.**

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИЛАДИ.

**Билим юртида спорт секцияси ҳамда бадиий ҳаваскорлик тўгараги ишлаб турибди, ёзги дам олиш базаси бор.**

Бизнинг адрес: Тошкент —164, Высоковольтний массиви, 3-сектор (4-автобуснинг «7-поликлиника» бекати, 13, 22-трамвайларнинг «Маиший хизмат уйи» бекати). Телефон 62-65-03.

ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ СИСТЕМАСИДАГИ БИЛИМ ЮРТЛАРИГА ЎҚИШГА КИРУВЧИЛАР ҚАБУЛ КОМИССИЯСИГА ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШЛАРИ ЗАРУР: танланган ихтисос кўрсатилиб, директор номига ёзилган ариза, ўрта мактабни тугатганлиги тўғрисидаги ҳужжат (гувоҳнома ёки аттестат), медицина справкаси (286-форма), 3х4 см. ҳажмдаги 3 та фотосурат, корхона ёки ташкилот йўлланмаси (ўқишга бирон корхонадан юборилганлар учун).

**Кирувчилар паспорт, ҳарбий рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома** (чақириқ ёшидагилар учун) **ёки ҳарбий билет** (запасдаги ҳарбийлар)**ни шахсан кўрсатадилар ва бу ҳақда кирувчиларнинг шахсий делосида тегишли ёзув қайд қилинади.**

**АРИЗА ТОПШИРГАН ШАХСЛАР ТАНЛАГАН ИХТИСОС БЎЙИЧА ИШЛАШГА СОҒЛИҒИ ЯРОҚЛИЛИГИ ВА ЖИСМОНИЙ РИВОЖЛАНИШИНИ АНИҚЛАШ МАҚСАДИДА МЕДИЦИНА КЎРИГИДАН ЎТАДИЛАР.**

## ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

**28. V. ЧОРШАНБА**

ЧЕГАРАЧИЛАР КУНИ

**МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ**

16.10 «Сибирочек» ашула ва рақс ансамблининг концерти. 18.35 «Инсон ва қонун». 19.05 «Лочин ва юлдуз ҳақида қисса». Мультфильм. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Ҳамдўстлик». Телевизион журнал. 20.05 «Бугун — Чегарачилар куни». СССР Давлат хавфсизлик комитети чегара қўшинлари бошлиғининг биринчи ўринбосари, генерал-лейтенант Ю. А. Нешумов сўзи. 20.20 «Давлат чегараси». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси («Белорусьфильм»). 1-фильмнинг 1-серияси. 21.30 «Время» информацион программаси. 22.05 Останкино концерт студиясида О. Сулейменов поэзияси кечаси. Кеча тугагач (23.45) — «Дунё воқеалари». Информацион кўрсатув.

**УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ**

I

16.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Даҳшатли йиртқич». Мультфильм. 18.30 «Қизиқарли учрашувлар». Ёш мухбирларнинг республика ҳарбий комиссари генерал-майор С. У. Эргашев билан учрашуви. 19.00 «Ўзбек мадоннаси». Ҳужжатли фильм («Узкинохроника»). 19.10 «Янги техника ва технология — ишлаб чиқаришга». Маргилон «Атлас» бирлашмаси. 19.30 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.45 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси дуторчи қизлар ансамблининг концерти. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Тошкент ипподромида от спорти байрами. 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.05. «Пилла — бойлигимиз». 22.20 Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг Тошкентдаги VI Халқаро кинофестивали 5-кўрсатув. 23.30 Кўрсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 «Пойтахт области далаларида». 20.55 Сиртдан ўқийтган студентлар учун. Физика. 21.55 Ўқитувчи экрани. 22.25 «Чегара сокинлиги». Телевизион бадиий фильм (рус.).

**29. V. ПАЙШАНБА**

**МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ**

9.00 «Время» информацион программаси. 9.40 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.05 «Горичилар, қаердасиз?». 10.30 «Давлат чегараси». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-фильмнинг 1-серияси. 11.35 Рус халқ чолғу ансамблининг концерти. Концерт тугагач (12.05) — Янгиликлар.

15.00 Янгиликлар. 15.20 «Кишлоқдаги оддий иш кунлари». Ҳужжатли фильмлар программаси. 17.00 «Ҳунар-техника билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади?». 17.30 «Шахмат мактаби». Разрядлилар учун. Эндшпиль. 18.00 «Жаҳон халқларининг ижоди». (Венгрия). 18.30 «Миллионлар ленинча университетя». «Ленин номи билан». В. И. Ленин Социалистик ватанни ҳимоя қилиш тўғрисида. 19.00 «Кувноқ нотачалар». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Фан оламида». Латвия ССР Фанлар академияси. 20.15 «СССР халқ артисти Д. Гнатюк куйлайди». 20.25 «Давлат чегараси». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-фильмнинг 2-серияси. 21.30 «Время» информацион программаси. 22.05 «Музикальная жизнь». Телевизион журнал. Журнал тугагач (23.20) — «Дунё воқеалари». Информацион кўрсатув.

**УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ**

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Кувноқ одамчалар клуби». 1-фильм. 11.55 Мактаб ўқувчилари учун. «Санъат гунчалари» (такрорий). 12.25 «Унинг ер орбитаси». Телефильм. 13.00 Ўзбекистон пионерларининг йўлламаси. 13.30 «Чили узра тун». Бадиий фильм.

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Биз—80-йил комсомоллари» (рус.). 18.35 «Турмуш ва маданият». 19.05 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.20 «Хива—тўрт дарвозали шаҳар». Ҳужжатли фильм («Узкинохроника»). 19.30 Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари Тошкентдаги VI Халқаро кинофестивалининг ҳужжатли экрани. 6-кўрсатув. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Туркманистон ССРда хизмат кўрсатган артист Бобомурод Ҳамдамов куйлайди. 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.05 «Чорвачилик—зарбдор фронт». 22.20 «Абу Райҳон Беруний». Бадиий фильм. 2-серия. (рус.). «Узбекфильм»). 23.35 Кўрсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 «Қишлоқ ўқувчилар экрани». 20.55 Абитурнентлар учун. Она тили. 21.55 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Сенинг замондошинг». 21.35 Ўқитувчилар учун консультация. 22.05 «Альбомнинг жонли саҳифалари». Телефильм.

«Узплодоовощинпром» аграр-саноат бирлашмасининг Марказий конструкторлик технологик бюроси коллективи сектор мудири П. Илёсовга отаси

**Илёс ЗИЁРОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

4 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

ВИЗНИНГ АДРЕС: 700000. Тошкент — ГСП. Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар; партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-52-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан мактаб ва олий ўқув юртлари—32-53-10; адабиёт ва санъат—32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94 нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

28 МАЙ, 1980 й. Р—13906. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Б—2068 7